


ҮТА ҮТКАЗУВЧАНИК ФИЗИКАСИГА КИРИШ



**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университетининг
100 йиллигига ва
Бухоро давлат
университетининг
85 йиллигига
бағишиланади**

Для ёхим
Л. Згу ташаклар
шуманордук
мурас

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
Бухоро давлат университети

Д.Джураев, М.Курбанов

ЎТА ЎТКАЗУВЧАНИК
ФИЗИКАСИГА
КИРИШ

Таълим мутахассислиги: 5A310801-Электроника ва электрон
техникаси (Физикавий электроника);
5A140201-Назарий физика.
Таълим йўналиши:
5140200 – Физика
5140400 – Астрономия.

22.3

Ж91

Джураев Д.

Ўрта ўтказувчанлик физикасига кириш: ўкув кўлланма / Д. Джураев,
М. Курбанов. - Бухоро: ООО "Sadreddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti,
2016. - 108 б.

КБК 22.3я7

31.232.

Ушбу ўкув кўлланмада ўта ўтказувчанлик ходисасининг яратилиш тарихи
шунингдек, ўта ўтказувчанлик физикасининг назарий ва амалий асослари ў
аксини топган.

Ўкув кўлланма олий ва ўрта махсус ўкув юртлари талабаларига
ўкигувчиларга ва илмий ходимларга мўлжалланган.

В настоящем учебном пособии отражены история открытия явления
сверхпроводимости, а также теоретические и прикладные основы физики
сверхпроводимости.

Учебное пособие предназначено для студентов высших и средних
специальных учебных заведений, преподавателей и научных сотрудников.

In this educational manual the history of the discovery of the phenomenon of
superconductivity, and also theoretical and practical fundamentals questions of physics
of superconductivity are reflected.

Educational manual is intended for students of the highest and average special
educational institutions, teachers and research associates.

Тақризчилар: проф. Отажонов Ш.

проф. Юсупов Ж.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигинин
2015 йил 30 майдаги 191-сонли бўйргитга асосан Д.Джураев, М.Курбано
ларнинг 5A310801-Электроника ва электрон техникаси (физикавий
электроника); 5A140201-Назарий физика; 5140200-Физика ва 5140400
Астрономиянинг талабалари учун тавсия этилган «Ўта ўтказувчанлик
физикасига кириш» номли ўкув кўлланмасига Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензия берилган нашриётларда напр
килишга рұксат берилди.

Рўйхатга олинган рақам 191-027

Мазкур кўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни мувоффиклаштириш кумитасининг Ф2
ФА-Ф0383, И-2011-10-06 ва И-2014-4-1 давлат грантларининг молиявий
кўлланилиши натижасида нашрга тайёрланди.

87806

ISBN 978-9943-4634-0-0

МУНДАРИКА

СУЗБОШИ	4
ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК ФИЗИКАСИ ФАНИ ҲАҚИДА	6
ХРОНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР	
ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК ҲОДИСАСИНИНГ КАШФ	
ИТИЛИШИ	9
КАМЕРЛИНГ ОННЕС ТАЖРИБАСИ	21
ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ МАГНИТ ХОССАЛАРИ	24
МАГНИТ МАЙДОНИНГ КВАНТЛАНИШИ	29
ЖОЗЕФСОН ЭФФЕКТЛАРИ	30
МИССНЕР-ОКСЕНФЕЛЬД ЭФФЕКТИ	31
ВИРИНЧИ ТУР ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ МАГНИТ	
ХОССАЛАРИ	32
МАССИВ МАТЕРИАЛ КРИТИК МАЙДОНИ (КРИТИК	
ТЕРМОДИНАМИК МАГНИТ МАЙДОНИ)	36
ЎТА ЎТКАЗГИЧ ЭНТРОПИЯСИ	37
ИССИКЛИК СИГИМИ	39
ОРКИН ЭНЕРГИЯ	45
ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК НАЗАРИЯСИНИНГ	
РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА	47
ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ЧИЗИКЛИ	
ЭЛЕКТРОДИНАМИКАСИ	51
МАГНИТ МАЙДОНИНГ СИНГИЦ ЧУКУРЛИГИ	57
ЎТА ЎТКАЗУВЧАН КВАНТ ИНТЕРФЕРОМЕТРЛАР	60
ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИКНИНГ МИКРОСКОПИК	
НАЗАРИЯСИ, ЭЛЕКТРОН-ФОНОН УЗАРО ТАЪСИР	66
ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРДАГИ ГУННЕЛИ ҲОДИСАЛАР	73
ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ	83
ТЕМİR ЭЛЕМЕНТЛИ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ ЎТА	
ЎТКАЗГИЧ ВА УНГА БОСИМНИНГ ТАЪСИРИ	85
ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	
СОҲАЛАРИ	88
ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК ФИЗИКАСИДАН НАЗОРАТ	
УЧУН САВОЛЛАР	101
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	106

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Милли мактабининг элементар тушунчалари ҳақидаги маълумотлар билан
университетининг 100 йиллигига орқали хабардор килиш ёрдамида улардаги ушбу
Бухоро давлат университетининг ўниверситетидаги қизиқиши кучайтириш бугунги куннинг долзарб
йиллигига бағишлиланади ишламиридан биридир.

1. СЎЗ БОШИ

Маълумки, ўта ўтказувчанлик ҳодисаси яратилгандан бер (1911 йилдан), бундай материаллар фан, техника, ҳалқ ҳўжалиг мудофаа, тиббиёт ва бошқа кўпгина соҳаларда қўлланилга тақдирда мазкур соҳалар буйича мисли кўрилмаган, инсоний учун жуда муҳим ўзгаришларга олиб келиши мумкин бўлга масалалар билан шуғулланиш дунёнинг кўпгина назарий келмоқда.

1986 йилда яратилган металл оксидлари асосидаги юкори тиббиётлари; Камерлинг Оннес тажрибаси; ўта ўтказгичларнинг хароратли ўта ўтказгичларнинг кашф этилиши ва ушбу магнит хоссалаари; магнит майдонининг квантланиши; Жозефсон йўналишда охирги пайтларда олинган назарий ва амалий илмий тақдирлари; Мейсснер-Оксенфельд эффицити; биринчи тур ўта тадқиқот натижалари мазкур соҳанинг келажаги истиқболи; тақизгичларнинг магнит хоссалари; массив материал критик эканлигидан далолат бермоқда ва изланишларни янада майдони (критик термодинамик магнит майдони); ўта ўтказгич кучайтириш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўта ўтказувчанлик физикаси соҳасидаги тадқиқотлар фактуариясининг ривожланиши ҳақида; ўта ўтказгичларнинг паст хароратлардагина олиб борилиши кераклиги сабабли, суюқ тиббиётлари; магнит майдонининг сингиш гелий, суюқ водород, суюқ азот ва кислородли совутгичлар билан курлуги; ўта ўтказувчанлик физикаси магнит майдони (критик термодинамик магнит майдони); ўта ўтказгич кучайтириш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонимизнинг иссиқ шароитида бундай тадқиқотларни ўтказгич ва унга босимнинг таъсири; ўта совутгичлардан фойдаланиш алоҳида ўтиборни тараб киладиган газгичлар ва улардан фойдаланиш соҳалари; ўта ўтказувчанлик Совутгичлар билан боғлиқ бўлган мураккаб муаммолар бўлишига физикасидан назорат саволлари ва фойдаланилган адабиётлар қарамасдан, ўта ўтказувчанлик соҳасига бўлган қизиқиши бутуруйхати келтирилган.

Дунс олимлари орасида юкори бўлганидек Республикаимиш олимлари томонидан ҳам бу соҳага бўлган қизиқиши орти билан инсониятни, аниқроқ қилиб айтганда жаҳоннинг кўпгина бормоқда, назарий ва амалий йўналишдаги илмий изланишларни ўзига ром этиб келмоқда. Ўта ўтказувчанлик олиб борилмоқда. Олимларимиз эришган илмий натижаларни юддадарнинг фан ва техникадаги ўрни бекиёсdir. Масалан, жаҳоннинг нуфузли ойномаларида зълон килиниб, илмийларнинг қўлланилиш соҳаси шунчалик кенгки, жуда кичик анжуманларда тақдим этилмоқда. Мамлакатимиз ёшларини ҳадлчамли микроструктуралардан тортиб, то йирик ўта ўтказувчанлик соҳасига эришилган ютуқлар ва ушбу микротузилималаргача, яъни микроэлектроникадан тортиб то

улсан магнит түлтүк ва двигателларгача. Бундай моддалар ҳаттохи тиббиёт соҳасида ҳам қўлланилиши мумкин. Ўта ўтказунчанлик ҳодисасига асосланган тиббий асбоб ускуналардан тиббиётдаги бавзи мураккаб муаммоларни очишда фойдаланилмоқда. Ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг қатор илмий лабораторияларида олиб борилмоқда. Мазкур изланишлар ўта юкори сезгирилка эга бўлган биологик магнит майдон датчиклари, яъни СКВИД¹) ларни тайёрлаш технологиясига ва магнит майдони экранлари сифатида ҳамда замонавий ихчам томографларда фойдаланишга бағишиланган.

Ўта ўтказгичлар-келажак электр токи ўтказгичлари, кучли магнит майдони манбаилари, криоэлектроника, микроэлектроника, хусусан тиббий электрониканинг асосий элементларидан бири деб ишонч билан қараса бўлади. Ўта ўтказувчанлик ҳодисасидан фойдаланиладиган соҳалар жуда кенг бўлганлиги сабабли, ушбу масала алоҳида эътиборни талаб килади. Шунинг учун ушбу масалага алоҳида эътибор каратилиши режалаштирилган.

2. ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК ФИЗИКАСИ ФАНИ ҲАҚИДА ХРОНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР

Маълумки ўта-ўтказувчанлик ҳодисаси 1911 йилда Камерлинг Оннес¹ томонидан кузатилди.

Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси илк маротаба кузатилган пайтдан бошлаб, узок вақт давомида, яъни 22 йил мобайнинда ўта ўтказгичлар фақат идеал ўтказгич деб хисобланар эди, яъни солиштирма қаршилиги нолга тенг бўлган металлдек қаралар эди. Аммо кейинги тадқиқотлар, айнан Мейсснер ва Оксенфельдинг²

¹) СКВИД-(SQUID-Superconducting Quantum Interference Device) ўта ўтказгичли квант интерференциали датчиклар.

²) Хейке Камерлинг-Оннес (Нидерл. Heike Kamerlingh Onnes; 1853 йил 21 сентябрда, Гронингенда тутилган - 1926 йил 21 февраля, Лейденда вафот этган) — нидерландийлик физик ва кимёгар. 1913 йилда ўта ўтказувчанлик ҳодисаси кашф этгани ва паст ҳароратлар физикаси соҳасида эришган ютуклари юкори беҳоданиб Нобель мукофоти билан тақдирланди.

²) 1933-йилда немис физики В.Мейсснер ва унинг ҳодими Р.Оксенфельд шуни кузатдиларки, агар цилиндриксимон намунани бўйлама магнит майдонига жойлаштириб, критик ҳароратдан пастча совутсан, унда у ўзидан магнит майдони оқимини тула сисиб чиқаради, Мейсснер эффекти (левитация эффекти) кузатилди.

илемий изланишлари натижасида ўта ўтказгичларнинг нафақат идеал ўта ўтказгичлар, балки улар идеал диамагнетик хоссага ҳам иш бўлган материаллар эканлиги кашф килинди. Ушбу кашфиёт 1933 йилда яратилди. Мазкур кашфиётнинг физиковий мъиносини шундай тушуниш мумкин, яъни ўта ўтказувчан модда у жойлашган мухитнинг ҳарорати критик қийматдан паст бўлгина, ўзининг ичидаги магнит майдонини сикиб чиқаар оши. Ушбу ҳодисани электродинамика қонунлари асосида тушунтириш мумкин, яъни магнит майдони уюрмали токларни кўпгитади, бу эса ўз навбатида ўта ўтказгичнинг ичидаги магнит майдонини компенсациялади.



Камерлинг Оннес



Walter Meissner

Ўта ўтказгичларда олиб борилган изланишлар қўйидагиларни кўрсатди: агар ҳароратни ўзгартирмасдан ўта ўтказувчаник ҳолатида бўлган модда магнит майдонида жойлаштирилса, магнит майдонининг маълум қийматларида у нормал ҳолатга ўтади, магнит майдонининг ушбу қиймати kritik қиймат деб қабул килинди; ўта ўтказувчан материалдан тайёрланган берк контурда бир марта қўзғатилган ток вакт ўтиши билан, ҳатто йиллар давомида ҳам камаймаслиги кузатилди; ўта ўтказгичлар критик магнит майдонининг ҳароратга боғланиши кўпгина ўта ўтказувчан металлар учун бир хил бўлиб, фақаттина уларнинг қиймати турлича булиши аникланди.

Магнит хоссаларига қараб ўта ўтказгичлар 1 тур ва 2 турларга бўлинади. Ушбу икки гурӯх ўта ўтказгичларнинг асосий фарки уларнинг ташки майдони билан ўзаро таъсиrlашуви турлича бўлишидир. Мейсснер-Оксенфельд эфекти асосан 1 тур

ўта ўтказгичларда кузатилади. 2 тур ўта ўтказгичларда магнит майдоннинг сингиши ўзига хос хусусиятга эгадир. Гартер ва Казимир томонидан таклиф этилган таркибида икки хил турдаги «суюқлик» дан иборат бўлган моделдан сўнгтина ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг табиатини тушунишида сезиларли ривожланишга эришилди. Мазкур моделда иккинчи тур ўта ўтказгичларниң критик ҳароратдаги фазавий ўтиши ва бошқа термодинамик хоссалари тушунтирилди. Ушбу гипотезанинг мазмуни шундан иборатки, ўта ўтказувчан моддаларда икки хил "ўта окувчан" ва "нормал" электронлар булиши мумкин, яъни ўта ўтказувчанлик ҳодисаси билан боғлиқ бўлган "ўта окувчан" электронлар ва металларни одатдаги ҳолатлари билан боғлиқ бўлган "нормал" электронлар. Ҳарорат $T \rightarrow 0$ интилганда ҳамма электронлар "ўта окувчан" булишга ҳаракат қиласи. Ўта ўтказгичларниң электродинамикасини, яъни ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг электродинамик хоссаларини муваффакиятли тушунтира оладиган илк назария, бу Лондонлар назариясиadir. Мазкур назария феноменологик назария булиб, унда Максвелл тенгламаларига кўшимча ўта ўтказгичлардаги электромагнит майдон тенгламаси таклиф этилди. Ундан ўта ўтказгичнинг асосий хоссаларини ифодаловчи хулосалар келиб чиқади: абсолют диамагнитлик хоссаси, ўзгармас токка нисбатан қаршилигининг нолга тенглиги ва ҳ.к. Аммо, ўта ўтказувчанликнинг электронлар даражасидаги микроскопик механизмининг нимадан ташкил топганлиги тушунтирилмади. Яъни, «Нима учун ўта ўтказгич ўзини бундай ҳолда тутади?» - деган савол жавобсиз колди. Ўта ўтказувчан ҳолатни феноменологик ифодалай олишдаги кейинги, муҳим қадам Гинзбург ва Ландау томонидан қўйилди. Гинзбург-Ландау назарияси ўта ўтказувчанликни тупгунтира оладиган биринчи квант назария бўлди. Мазкур назария ташкил майдон бўлганда нормал ҳолатдан ўта ўтказувчан ҳолатга ва тескари ўтишлар II тур фазавий ўтишлардан ташкил топганлигидан келиб чиқади. Ушбу назарияда маълум бир параметр, **мартиб параметри** $\xi(T)$ иштирок этди. Янги фазада (бизнинг ҳолимизда ўта ўтказувчан фазада) критик ҳароратдаги нол қийматидан абсолют нол ҳарораттacha монотон ўсиши керак.

Электронларниң "ўта ўтказувчан" ҳолати конденсация булиши учун масъул куч табиатини аниқлашдаги муҳим қадам

бўлиб Максвелл ва Рейнольдс гурухи ходимларининг амалий ишлари мухим роль уйнади. Унда ўта ўтказгичларнинг изотопик эфекти яратилди. Улар симоб моддаси изотопларнинг ҳар бирни учун алохида критик ҳароратларини ўлчадилар ва турли хил изотоплар учун ушбу ҳарорат турлича қийматларга эга эканлигини қайд этишди. Натижаларни $T_c M^{1/2} = \text{const}$ ифода кўринишидаги қонуниятга буйсунишини аникладилар, бу ерда T_c - ўта ўтказувчанлик ҳолатига ўтишнинг критик ҳарорати ва M - изотопнинг атом массаси. Бу эса ўта ўтказувчанлик электронларнинг панжара тебранишлари яъни фононлар билан ўзаро таъсирилашиши натижасида юзага келишига ишора килар эди. Ушбу ишлар билан боғланмаган ҳолда Фрёлих ва Бардинлар электрон-фонон ўзаро таъсирилашувига асосланган изотопик эфектни тўғри "тушуна" оладиган назарияни ривожлантирилар. Аммо, ушбу назария ўта ўтказувчанликниң бошқа хоссаларини тушунтира олишга кодир эмас эди. Ушбу йўналишдаги кейинги мухим фикр Пиппард томонидан таклиф этилди. Кенг амалий ишларнинг натижасига таянган ҳолда, у шундай хulosага келди, ўта ўтказувчанлик ҳолати маълум бир когерентлик узунлиги (ξ) билан ҳарактерланиши керак экан. Унинг маъноси шундан иборатки, ўта ўтказгичнинг маълум нуктасида пайдо бўлган ҳар кандай кўзгалиш албатта шу нуктадан ξ ва ундан яқинроқ тартибдаги масофада жойлашган "ўта окувчан" электронларнинг хоссаларига таъсир килади. Тоза металлар учун ҳарорат $T \ll T_c$ бўлганда, $\xi \sim 10^{-4}$ см.

3. ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИК ҲОДИСАСИННИГ КАШФ ЭТИЛИШИ

Ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг яратилиши инерт гелий газининг суюлтирилиши билан чамбарчас боғлиқ, ушбу муваффакиятта голландиялик машҳур физик, Лейдендаги паст ҳароратлар физикаси лабораториясининг асосчиси ва раҳбари Гайк Камерлинг Оннес (1855-1926), 1908 йилда эришди, яъни у ҳаво таркибида жуда оз миқдорда бўлган инерт гелий газини

суюк ҳолатга ўтказишга мұяссар бўлиб, ҳарорати $4,2\text{ K}^{\circ}$ ¹⁾ бўлган суюкликтин олишга эришиди.

Камерлинг Оннес 1908 йилнинг октябр ойидаги паст ҳароратлар физикаси соҳасида олиб борган тадқиқотлари ва эришган ютуқлари ҳақида Парижда ўтказилган паст ҳароратлар физикаси йўналишидаги биринчи ҳалқаро конгрессда маъруза килди.

Суюлтирилган гелийниң олиниши, олимлар учун, абсолют нолга яқин бўлган ($1+10\text{ K}$) ҳарорат шароитида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш имкониятини яратди.

Маълумки, гелий газининг суюлтирилиши-бу водороддан кейинги ўринда турувчи инерт газнинг суюлтирилишидир. Газларнинг суюлиш ҳароратини аниқ тасаввур этиш мақсадида 3.1-жадвалда акс этирилган рақамларга зътиборни қаратамиз.

3.1-Жадвал

Модда	He	H_2°	Ne	N_2	O_2	H_2O
$T_{\text{кай}}, \text{K}$	4,2	20,3	27,2	77,4	90,4	373,16
$T_{\text{эриш}}, \text{K}$	λ нукта ^{**} 2,18	14,0	24,5	63,3	54,7	273,16

Унда моддаларнинг қайнаш ($T_{\text{кай}}$) ва эриш ($T_{\text{эриш}}$) ҳароратлари келтирилган. 3.1-жадвалдаги ҳарорати жуда паст бўлган суюкликларнинг олиниши, металлар электр қаршилигининг ҳароратта боғланишини ифодаловчи қонуниятни амалда аниклаш учун жуда кўл келди. Илк маротаба бундай тажрибаларни амалга ошириш имкониятига факаттинга Камерлинг Оннес эга бўлди. У металлар қаршилигини ҳароратта боғланиши қандай куринишда

¹⁾ $n\text{ K}=(n-273,16)\text{ }^{\circ}\text{C}$. Ушбу формула Кельвин ва градус Цельсий орасидаги боғланишни ифодалайди.

²⁾ Водород газининг суюлтирилиши Жеймс Дьюар томонидан амалга оширилди.


^{**}) λ нуктада-2,18 K. Ушбу нуктада суюк гелий ўта оқувчанлик ҳолатига ўтди. Суюк гелий 4,2 K дан 2,18 K гача ҳарорат оралигида бўлса гелий I ва 2,18 K да гелий II ҳолатларга ўтади. Суюк гелийнинг гелий II ҳолатида ковушкоклиги йўқолади ва иссиқлики ҳеч қандай сарфсиз ўтказади. Мазкур ҳодиса биринчи бўлиб 1938 йилда таникли физик олим П.Л.Капица томонидан тажрибада ilk маротаба кузатилди ва ўта оқувчанлик деб номланди. П.Н.Капица ушбу қашфиёти ва паст ҳароратлар физикаси соҳасидаги пионер ишлари учун 1978 йилда Нобель муроффоти билан таҳдирланди. Ута оқувчанлик ҳодисасининг назарияси 1941 йилда машхур физик-олим Л.Д.Ландau томонидан яратилди.

Оларниңнан текшириб күриш мәксадида илмий изланишлар олиб бориб, катор металлар учун, ҳарорат хона ҳароратига якин олтандыр уларның электр қаршилигининг ҳароратта боғланиши түрү чизиқли пропорционал болганишда эканлигини ва анықтитнинг пасайиши билан қаршилик камайиши тезлигининг сөзинлашишини күздеди.

Ағар қаршилик худди шундай чизиқли камая бошласа анықрат нолға етгандан унинг қиймати манфий бўлиши мумкинлигини аниклади. Ушбу изланишларнинг натижалари тақиқотчини металлар электр қаршилигининг ҳароратга билилигини куйидаги уч хил кўринишда (3.1-расмда көтирилгандек) бўлиши мумкин деган холосага олиб келди:

- ҳарорат камайиши билан металлнинг электр қаршилиги нолга интилади (3.1(а)-расм);
- қаршилик ўзгармас R_0 қийматга интилади (3.1(б)-расм);
- қаршилик камайиб маълум бир қийматга эришгандан сўнг чексиз катта қийматга интилади (3.1(в)-расм).

Ушбу мулоҳазаларни амалда текшириб кўриш учун тоза металлар платина ва олтингдан фойдаланилди. Мазкур ўтказгичлар учун ҳароратнинг камайиши билан уларнинг қаршилигини ўзгармас қийматга интилиши ва ҳатто жуда кичик кузатиб бўлмайдиган даражада кичрайиши мумкинлиги ҳақида Онес катор илмий анжуманларда ахборот берди. Унинг олган натижалари ўша даврнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган квант назариясига зид эмас эди.



3.1-расм. Металлар электр қаршилигининг ҳароратта боғланиш графиклари.

А.Эйнштейн⁹) жуда паст ҳароратларда атомларнинг тебраниш энергиясини экспоненциал камайишини ифодаловчи қаттиқ жисмлар моделини яратди. Оннеснинг фикрича жуда соғ моддаларнинг электр қаршилиги уларнинг кристалл панжаралардаги атомларнинг тебраниши орқали аниқланиши керак эди. Кейинги олиб борилган илмий изланишлар натижалари бу фикрнинг ҳақиқатга яқин эканлигини тасдиқлади. Оннес ўз илмий мулоҳазаларини тасдиқлаш мақсадида, ўша даврнинг тоза¹⁰) метали ҳисобланган симобдан илмий тадқиқот обьекти сифатида фойдаланди. Симоб моддаси электр қаршилигининг ҳароратга боғланиши ўрганилаётганда, унинг қаршилиги ҳарорат 4,2 К га якинлашгач түсатдан кескин камайиши кузатилди. Қаршилик шунчалик кичик қийматтагача камайдики, уни ўлчаш мумкин бўлмай қолди.

Кейинчалик такомиллашган курилмаларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдикси, симобнинг қаршилиги ҳароратнинг юздан бир кельвини оралиғига кескин камаёр экан. Оннес томонидан 1913 йилда олинган симоб электр қаршилигининг ҳароратга боғлиқлиги 3.2 - расмда ўз аксини топган.


Ушбу расмда келтирилган чизма, яъни қаршиликнинг маълум ҳароратда кескин камайиши ҳақида Оннес шундай деган эди: "Ҳарорат 4,2 К дан пастроқ қийматта етганда, яъни юздан бир кельвин атрофида, симобнинг қаршилиги түсатдан, қаршиликнинг тебранма назариясига мос келмаган ҳолда, кескин камайди, қаршилик ўзининг бошланғич қийматидан миллион маротабадан ҳам кўпроқ қийматта камайди. Демак, симоб янги ҳолатга ўтди. Унинг фарқли уларок электр хоссаларини зътиборга олиб, бу ҳолатни "ута ўтказувчанлик" ҳолати деб атаса ҳам бўлади".¹¹

⁹ А.Эйнштейн (1879-1955) фотоэффект ҳодисасини ёруғлик квантлари гипотезаси ёрдамида асослагани учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

¹⁰ Тоза симоб дистиллаш йули билан олиниши мумкин.

¹¹ Замонавий асбоблар ёрдамида ўта ўтказгичларнинг солиштирма қаршилиги 10^{-24} Ом·см аниқлик билан нолга тенглиги аниқланди. Солишириш мақсадида тоза миснинг 4,2 К даги солиштирма қаршилигини келтирамиз у 10^{-9} Ом·см га тенг. Бошқача килиб айтганда ўтказгичнинг ўта ўтказувчан ва нормал ҳолатдаги қаршиликлар фарқи худди мис ва изолятор қаршиликлари орасидаги фарқдек бўлиб, ундан ҳам каттароқ қийматта тенгдир.

Ута ўтказувчанлик ходисасининг кашф этилиши, асосли риинида, фундаментал фикрларни амалда тадкик килиш мөрбенида тасодифан яратилди деб ҳам айтиш мумкин.



Мазкур расм Оннеснинг ута ўтказувчанлика багишланган илк ишларининг биридан олинган. Замонавий маълумотларга асосан графикни 0,05 К га сийлаштиш керак - Оннесда ҳароратнинг ноаник шкаласи булган.

3.2-расм. Симоб электр қаршилигининг ҳароратта боғланишини ифодаловчи чизма.

Ута ўтказувчанлик ходисасининг яратилишини инсоният учун нақадар зарур ва аҳамиятли эканлигини, 1913 йилда, Оннесга ута ўтказувчанлик ҳолатини кашф этганилиги ва паст ҳароратлар физикаси фанида эришган ютукларини юкори баҳолаб унга берилган Нобель мукофотидан ҳам билса бўлади. Ҳисек, фанда янги бир йўналиш «Ута ўтказувчанлик» соҳаси очилди. Ушбу фан соҳаси билан боғлик ихтиrolар ва яратилган

қурилмалар учун күпгина олимларнинг Нобель мукофоти билан тақдирланганлигидан кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида килинган кашфиётларнинг самарадорлиги ва сонидан ҳам билса бўлади.

3.2-расмда келтирилган T_c^6 – ўта ўтказувчаникка ўтишининг бошланишини курсатувчи ҳарорат, T_c^o – ўта ўтказувчаникка тўла ўтишини курсатувчи ҳарорат ($R=0$). T_c – ўта ўтказувчаник ҳолатига ўтишини курсатувчи критик ҳарорат бўлиб, унинг киймати қаршиликнинг кескин камайиш амплитудасининг ярмига мос келувчи ҳароратга тенг.


Олиб борилган тадқиқотлар шуни курсатдики, моддалар электр қаршилигининг йўқолиши, уларнинг тозалиги билан ҳам боғлиқ эмас экан. Бу фикрнинг ҳақиқатга яқин эканлигини 3.2-жадвалда келтирилган ўта-ўтказгичлар орасида энг юқори критик

3.2-жадвал

№	Ўта-ўтказгич	Критик ҳарорат, K	Кристалл панжара параметрлари, Å		
			a	b	c
1.	$Y_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	94	3,88	3,86	11,71
2.	$La_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	75	3,95	3,95	11,79
3.	$Nd_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	70	3,89	3,89	11,73
4.	$Sm_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	82	3,88	3,88	11,73
5.	$Eu_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	88	3,86	3,86	11,74
6.	$Gd_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	92	3,89	3,89	11,73
7.	$Ho_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	88	3,89	3,89	11,52
8.	$Er_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	87	3,83	3,85	11,65
9.	$Lu_1Ba_2Cu_3O_{6+x}$	85	3,83	3,87	11,73
10.	$Bi_2Sr_2Ca_1Cu_3O$	116	5,399	5,414	30,904
11.	$Bi_{1,7}Pb_{0,2}Sb_{0,1}Sr_2Ca_2Cu_3$	160	-	-	-
12.	Tl-Ba-Cu-O	100	-	-	-
13.	MnB_2	38-48	-	-	-
14.	Nb_3Ge	23,2	5,166	5,166	5,166
15.	Nb_3Ga	20,3	5,165	5,165	5,165
16.	Nb_3Al	18,55	5,187	5,187	5,187
17.	Nb_3Sn	18,0	5,289	5,289	5,289
18.	V_3Si	17,1	4,722	4,722	4,722
19.	NbN	16,3	4,389	4,389	4,389


Ҳароратта эга бўлгани металлооксидли керамика эканлигидан ҳам бўйса бўлади.

Ушбу ўта ўтказгичлардан баъзи бирлари мисол тариқасида, ўни В1, А15 ва перовсит структурали кристалл панжараларнинг кўриниши 3.3, 3.4 ва 3. 5-расмларда келтирилган.




3.3-расм. В1 структурали NbN биримаси кристалл панжарасининг элементар ячейка тузилиши.

Ҳозирги кунгача ўта ўтказувчанлик ҳодисаси фанда паст ҳароратлар физикасидаги ноёб ҳодиса бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳулосанинг мазмун-моҳиятини очиш учун солишириш мақсадида, ҳарорат билан физикавий ҳодисалар қандай боғланишда эканлигини кўриб чиқамиз.



3.4-расм. А15 структурали Nb_3Ge биримаси кристалл панжарасининг элементар ячейка тузилиши.



3.5-расм. Перовскит структурали $\text{Y}_1\text{Ba}_2\text{Cu}_3\text{O}_7$ биримаси кристалл панжарасининг элементар ячейкаси тузилиши.

T, K

10^6

Атом ядроининг синтезланиши ва
парчаланиши (ядровий кучлар)

10^6

Электрон қобигларнинг пайдо бўлиши ва атомлар
ионизацияси (электростатик кучлар)

10^4

Органик ҳаёт соҳаси

10^2

Газ - суюқ - қаттиқ жисмга айланishi соҳаси

Металл оксидлари асосидаги ўта-ўтказгичлар

Ўта ўтказувчанлик (эркин электронлар
орасидаги ўзаро таъсир кучлари)

10^{-2}

Магнитли тартибланиш

10^{-4}

$T > 10^{-3}$ К. Электронлар

$T < 10^{-3}$ К. Ядролар

10^{-6}

3.6(а)-расм. Турли ўзаро таъсирлардаги ҳароратлар соҳаси.

T, K

10^{10}

Оташ юлдузлар ички қисмидаги ҳарорат

10^9

Қизил гигант юлдузлар ички қисмидаги ҳарорат

10^8

Водород бомбаси портлаш эпицентридаги ҳарорат

10^7

Күёш ички қисмидаги ҳарорат

10^6

Күёш тожидаги ҳарорат

10^5

Оташ юлдузлар сиртидаги ҳарорат

10^4

Күёш сиртидаги ҳарорат

10^3

Газ трубинасидаги ҳарорат

10^2

Сувнинг қайнаш ҳарорати

10^1

Водороднинг қайнаш ҳарорати

1

Гелийнинг суюлиш ҳарорати

10^{-6}

Эришилган ҳароратнинг энг пастки киймати

Ҳарорат тушунчаси инсон идрокининг энг юқори эришган ютукларидан бири бўлиб, иссиликнинг кинетик назарияси ривожи бошлангандан бери, яъни XIX асрининг биринчи ярмидан бошлаб, моддаларни ташкил этган заррачаларнинг тартибсиз ҳаракати билан боғланган. Моддалар ҳароратнинг ошиши билан уларни ташкил этган заррачаларнинг тартибсиз ҳаракати кучаяди, яъни тартибсиз энергияси ошади.

Агар моддалар ҳароратнинг ошиши билан уларнинг иссилик энергияси заррачаларни тартибга солувчи ўзаро таъсир энергиясига нисбатан катта бўлса, унда модданинг тартибли ҳолати бузилади.

Бу муайъян умумий қонуниятта ҳамма фазавий ўтишлар, ҳаттоқи мураккаб системаларни синтезлаш ҳодисаси (масалан, атомларнинг қобиги) ҳам бўйсунади. Ҳар бир физиковий ўзаро таъсир кучига караб таққослаш маъносида мос равища ўртача ҳароратга тўғри келади. Шу ўртача ҳароратга мос келувчи оралиқда маълум физиковий жараён содир бўлади. 3.6(а)-расмда ҳарорат интервалларига мос келувчи физиковий жараёнлар акс этирилган. 3.6(б)-расмда коинотдаги ҳароратлар соҳаси келтирилган. Унда шартли равища энг юқори ҳарорат $\approx 10^{10}$ К ўрсатилган. Бундай ҳарорат отап юлдузларнинг ички қисмида кузатилади. Энг пастки ҳарорат эса суюқ гелий гази сўриб олинганда, босим камайиши усули билан ҳосил қилиниши мумкин. 3.6(а)-расмда турли ҳароратлар соҳасидаги ўзаро таъсирларнинг энг юқориси $\approx 10^7$ К да, яъни атом ядроларининг синтезланиши ва парчаланишида, энг пасткиси эса $\approx 10^{-6}$ К да ядроларнинг магнитли тартибланишида содир бўлиши акс этирилган. Демак, хозирги замонда эришилган ҳароратлар соҳаси $10^7 \div 10^{-6}$ К оралиғида экан. Энг юқори ҳарорат қиска мақтли газ разрядларида, яъни ионлар ва электронлардан иборат исик плазмани магнит майдони ёрдамида саклаш усули билан олиниши мумкин. Энг паст ҳарорат эса мис атомларининг ядрорий моментларида олиниши мумкин.

Табиатдаги энг кучли ўзаро таъсир бу ядрорий ўзаро таъсирдир, яъни атом ядроларини ташкил этувчи нейтрон ва протонни боғловчи ядрорий кучлар. Бу кучлар қанчалик катта кийматга эканлигини билиш учун куйидаги мисолни келтирамиз:

4 грамм гелий ядросини таркибий кисмларга (хар бир атомда 2 тадан протон ва 2 тадан нейтрон бўлади) ажратиш учун $7,5 \cdot 10^4$ кВт-соат энергия сарфлаш талаб этилади. Бу эса ўртача 10000 оиласнинг бир кунда сарфлайдиган электр энергиясига тенг.

Ядровий кучлар билан боғлик бўлган ўзаро тасир энергияни иссиқлиқ энергияси билан солиштирусак, бу миллион градусга тенгдир.

Бундай ҳарорат Оташ юлдузлардагина пайдо бўлади. Масалан, қуёш марказидаги ҳарорат 20 миллион градусга яқиндир. Бундай шароитда ядровий ўтишлар (ўзаро айланышлар, енгил ядролар оғирларига қўшилади) яъни атом ядросининг синтези содир бўлади.

Бундай улкан энергияни^{**)} қуёш бир неча миллиард йиллардан бери сочиб келмоқда. Ушбу ҳодисанинг негизида водороддан гелий ядросининг синтезланиш жараёни ётади. Энергиянинг ушбу усуlda ҳосил килиниши фанда ҳар томонлама ҳам назарий, ҳам амалий исботланган.

Агар ер шароитида водород атомини гелий атомига қўшилишига эришилса, инсониятнинг бутун келажаги учун энергетика муаммоси ечилган бўлар эди.

Бу улкан жаҳоншумул максадни амалга ошириш учун плазма физикаси билан чамбарчас боғлик бўлган термоядро йўналишидаги кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Термоядро курилмаларида ("Токомак"³ ларда) ҳосил бўлган иссиқ плазмани ушлаб туришда кучли магнит майдони билан чегаралangan ҳажмдан фойдаланилади.

Бундай кучли магнит майдонлар фақатгина ўта ўтказгичлардан тайёрланган ўрамлардагина ҳосил килиниши мумкин. Термоядро реакциялари олишга йўналтирилган илмий-тадқиқот лабораторияларида қимматбаҳо булишига карамасдан суюқ гелий билан совутиладиган ўрамлардан тайёрланган ўта ўтказгичли магнит майдони манбайлари кенг қўлланилмоқда. Чунки энергетика муаммосининг ечилиши инсоният учун энг муҳим ва улкан масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

^{**) Күёш таркатаётган энергияни оддий шароитда олиш учун Ер массасига тенг бўлган кўмир ёқилгисини ёкиш керак. Ушбу ўзаро солиштириш қуёш бағридан ҳанчалик катта энергия ишлаб чиқилишини кўрсатади.}

³ Токомак - Тородиал магнит майдони ҳалқаси маъносини англаатади.

4. КАМЕРЛИНГ ОННЕС ТАЖРИБАСИ


Үта үтказувчанлик ходисаси симобда кузатилгандан сүнг қатор металларда ва уларнинг бирикмаларида ҳам бу ходиса намоён бўлди. Үта-үтказгичларнинг хоссалари ҳар томонлама ўрганила бошланди ва улар устида жуда кенг илмий-тадқикот ишлари олиб борилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, үта үтказувчанлик хоссаси фақатгина ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки ундан оқаётган ток кучига ва унга таъсир этувчи магнит майдонининг кучланганлиги билан ҳам узвий боғлиқ экан. Яъни үта үтказгич фақатгина ҳарорат критик кийматга (T_c) етгандагина эмас, балки ундан оқаётган ток зичлигининг киймати критикка (J_c) етганда ёки унинг атрофидаги магнит майдони кучланганлиги критикка (H_{kp}) етгандага ҳам нормал ҳолатта ўтиши кузатилди. Агар үта үтказгич маълум бир чегаравий киймат H_{kp} ка тенг ёки ундан катта бўлган кийматдаги магнит майдонида жойлаштирилса у нормал ҳолатта ўтиди ва магнит майдони куч чизиқлари унинг ҳажмини кесиб үта бошлайди, бу уни нормал үтказгичларга хос бўлган хусусиятга эга бўлишга олиб келади.

Үта-үтказгичдан ток ўтганда, унда хосил бўлган кучланиш ўлчов асбобларининг аниқлик даражасида нолга тенглигини юкорида келтирган эдик. Ҳақикатан ҳам қаршиликнинг кучланиш ва ток кучи билан ўзаро боғланиши ўзгармас ток ҳоли учун қараганда ($R = \frac{U}{I}$) эканлигини эътиборга олсак, $U=0$ бўлганда, $R=0$ бўлади.


Биринчи бўлиб, мазкур тажрибани Камерлинг Оннес амалга оширгани юкорида эслатилган эди. У симоб қаршилигини ўлчапда қуйидагича йўл тутди. Маълумки, хона ҳароратида симоб суюқ ҳолатда бўлади. Ундан сим ясаш анча мураккаб эканлигини эътиборга олиб, К.ОНнес еттига U шаклидаги кесим юзи $0,005 \text{ mm}^2$ бўлган шиша найларни бир бирига улаб, унинг ичига унча тўлдирилмаган ҳолда симоб солди. Тайёр бўлган шимуна 4.1-расмда келтирилган кўринишга эга бўлди. Шишадан тайёрланган найсимон идишни симоб ёрдамида қисман тўлдириш ўюли билан ҳарорат ўзгарганда симоб ҳажмий узгаришини узлуксизлиги таъминланди ва шиша идишнинг синишини олди олинди. 4.1-расмда курсатилган I, IV ёки II, III нукталардаги

кучланиш қайд килинди. Ток манбай эса 0 ва 6' нүкталарга уланган эди. Келтирилган қурилма ёрдамида симоб электр қаршилигининг ҳароратта боғланиши аникланди. Ҳарорат пасайган сари симобнинг қаттиқ ҳолатга ўтиш нүктасидаги суюқ ҳаво ва водород ҳароратларига мос келадиган қаршиликлари аникланди. Ушбу аникланган қийматлар, электр қаршилигининг ҳароратта боғланиши чизмасида белгиланганда, кутилгандек чизикли боғланиши берди. Ҳарорат суюқ гелий ҳароратининг қийматига еттанды жаңоншумул, инсоният келажаги учун зарур бўлган, XX аср физикасининг сирли ҳодисалари орасида алоҳида ажралиб турувчи ўта ўтказувчанлик ҳодисаси кузатилди.

Мазкур кашфиётни назарий асосини яратиш учун ярим асрга яқин вақт кетди, яъни ушбу кашфиёт моҳиятини тушунтира оладиган назария фақатгина узқ ва самарали тадқиқотлар олиб бориш натижасидагина пайдо бўлди. Ушбу даврда квант механикаси ва ядро физикаси пайдо бўлди, нейтрон, антизарралар ва бошқа кўпгина элементар зарралар билан бир қаторда ядро ва термоядро реакциялари олинди. Фан оламида кўпгина янгиликлар яратилди, аммо ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг сири ечилмаганлигича қолди. Олимларнинг бу соҳада олиб борган тинимсиз фидойи ҳаракатлари туфайли, 1957 йилдагина ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг назарий асоси, микроскопик назария яратилди. Ушбу назария муҳокамасига алоҳида қайтилади.




4.1-расм. Электр қаршилигини ўлчашда фойдаланилган симоб намунасининг умумий кўриниши.



4.2-расм. Ўта ўтказгичдан тайёрланган ҳалқадаги ток кийматининг ўзгаришини кузатишда кўлланилган қурилма чизмаси. L_s -ўта ўтказувчан ҳалқа; R_s -ўта ўтказувчан ўтказгич; А-амперметр; К-калит; С-ток манбаи; R-ўзгарувчан қаршилик.

1914 йилга келиб К.Оннес ўта ўтказгич қаршилигининг ҳақиқаттан ҳам нолга тенглигига ишонч хосил қилиш мақсадида, яъни қаршиликни катта аниқлик билан ўлчаш мақсадида 4.2-расмда келтирилган чизмадаги ўта ўтказувчан ҳалқадан оқаётган токнинг сўнишини қайд эта оладиган усулдан фойдаланилди.



4.3-расм. Магнит майдонини қайд қилишнинг схематик куриниши.

Маълумки, ўтказгичдан ток ўтганда ундан Жоуль иссиқлиги ажралиб чиқади ва натижада оқаётган ток кучининг қиймати камайди. Агар вақт ўтиши билан ҳалқадаги токнинг қиймати камайса демак, у маълум қаршиликка эга экан. Қаршиликнинг қийматини аниқлаш учун сўниш вақти ва ҳалқанинг геометрик ўлчовларини билиш шарт. Бу усул ток кучи ва кучланишни ўлчашга нисбатан кўп маротаба аникроқдир. Масалан: қаршилиги R ўта ўтказувчан ҳалқа ташки магнит майдони куч чизикларига перпендикуляр ҳолда жойлаштирилса унда ҳосил бўлган магнит майдони индуктивлиги L бўлса ҳалқада ҳосил бўлган токнинг қиймати магнит майдони олингандан кейин, яъни $i = \frac{L}{R}$ вақтдан сўнг сўниши керак. Аммо ўта ўтказгичларда $R=0$ бўлганлиги сабабли $t \rightarrow \infty$ ка интилади. Бир карашда ҳалқада "музлатилган" магнит оқими ҳосил бўлгандек, аммо тажрибалар шуни кўрсатдики ичи буш ўта ўтказувчан цилиндр фақаттинга $\Phi_0 = 2,07 \cdot 10^{-7} \text{ Гс} \cdot \text{см}^2 = 2,07 \cdot 10^{-15} \text{ Вб}$ га тенг, магнит оқими квантига каррали қийматларнигина кабул қилас экан ($\Phi_0 = \frac{1}{2e}; \pi = 3,14; \hbar =$ Планк доимийси; e -электроннинг заряди) (4.3-расм қаранг).

Юкорида келтирилган усулда ток кучининг қиймати 2,5 йил давомида кузатилди. Лекин, ушбу даврда ток кучининг ҳеч қандай камайиши кузатилмади. Ўта ўтказгичнинг қаршилиги ҳакиқаттан ҳам катта аниқлик билан нолга тенглигига ишонч ҳосил килинди. Демак, инсоният янги, идеал ўтказгичга эга бўлди. Бундай ўтказгичлар фан, техника ва ҳалқ-хўжалигида фойдаланилганда мисли кўрилмаган иктиносидий ва тасаввур килиниши қийин бўлган улкан ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.


5. ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ МАГНИТ ХОССАЛАРИ

Маълумки, магнит майдонида жойлаштирилган жисм магнитланиб, хусусий магнит майдонига эга бўлади. Ташки ва хусусий магнит майдони кучланганликлар нисбатларига (μ) караб, моддалар куйидаги турларга бўлинади:

$\mu > 1$ -парамагнетиклар;

$\mu >> 1$ -ферромагнетиклар;

$\mu < 1$ -диамагнетиклар.



5.1-расм. Магнит майдони күч чизиқларининг ўта ўтказгич билан ўзаро таъсирини ифодаловчи чизма. *а,б* – магнит майдони йўқ намуна совутилди ва қаршилиги нолга айланниб ўта ўтказувчанлик холатига ўтди; *в* – ўта ўтказувчан холатдаги намунага магнит майдони таъсир эттирилди; *г* – магнит майдони ўчирилган холда, яъни олиб ташланди; *д* – магнит майдони нормал холдаги ўта ўтказгичга таъсир этганда унинг күч чизиқлари намунани кесиб ўтади; *е*-ушбу холатда намуна совутилса, яна магнит майдони күч чизиқлари уни айланниб ўта бошлайди. *ж*–магнит майдони олиб ташлангандаги холатни ифодаловчи чизма.

Диамагнит моддаларнинг ташки магнит майдони билан ўзаро таъсирлашиши алоҳида хусусиятга эга. Агар диамагнит

моддани ташқи магнит майдонида жойлаштирасак, у бу майдон билан узаро таъсирлапиб, натижада ҳосил булган хусусий магнит майдони ташқи магнит майдонини ўз сиртида компенсациялашишини кўз олдимизга келтиришимиз керак.


Ўта ўтказгичларнинг бундай диамагнит хоссага эга эканлигини биринчи бўлиб, 1933 йилда немис физик олимлари (В.Мейсснер, Р.Оксенфельд ва Ф.Хайденрейх) кузатдилар.

Ўта ўтказувчан металл магнит майдонига жойлаштирилса, у ўта ўтказувчан ҳолатда бўлганида магнит майдони ундан итарилар экан. Масалан, бирор шар шаклидаги ўта ўтказгични олиб, $T > T_c$ бўлган шароитда ташқи магнит майдонида жойлаштирилса, унинг ичидан магнит майдони куч чизиқлари кесиб ўтишини кузатишимиз мумкин (5.1(а)-расмда келтирилган чизмага эътибор беринг). Агар ҳароратни камайтириб, $T < T_c$ бўлган қийматга эришилса, ташқи магнит майдони куч чизиқлари ўта-ўтказгич ҳажмидан сиқиб чиқарилади ва уни айланиб ўта бошлайди (5.1(б)-расмга қаранг). Ўта ўтказувчан шарнинг ичидан магнит майдони бўлмаслигини магнит майдони қайд эттичлари, яъни магнит датчиклари ёрдамида ҳам катта аниклик билан аниқлаш мумкин.


Ўта ўтказгичлардан магнит майдонининг итарилиш ҳодисасини биринчи бўлиб Мейсснер кузатганлиги учун унинг номи билан бу ҳодиса кўпгина адабиётларда "Мейсснер эфекти" деб юритилади (5.2-расм).

Демак, ўта ўтказгичлар идеал диамагнитлар эканлиги аникланди. Бундан ташқари шуни ҳам эътиборга олмоқ зарурки, ўта ўтказгич магнит майдони билан ўзаро таъсирлашганда ташқи магнит майдони маълум бир критик қийматга эришганда ўта ўтказгич нормал ҳолатга ўтади.


Яъни ҳарорат ўзгартмагандага ҳам ўта ўтказгични нормал ҳолатга ўтказиш мумкин экан. Магнит майдонининг бундай қийматини ўта ўтказгичнинг критик магнит майдони (H_c) деб қабул қиласиз. Критик магнит майдонининг қиймати намунанинг ҳароратига узвий боғлиқ бўлиб турли ўта ўтказгичлар учун мос равишда ўзига ҳос қийматларга эгадир. Ўта ўтказгичлар учун критик магнит майдонининг ҳароратга боғланиши 5.3-расмда келтирилган чизма шаклида булади.



5.2-расм. Мейсснер эфектини ифодаловчи расм. 1-ұта үтказувчан намуна; 2-үзгармас магнит майдони манбай; 3-суюк азот солинган жақм.



5.3-расм. Ұта үтказгичлар учун критик магнит майдоннинг ҳароратта бөлганишини ифодаловчи чизма. N-нормал соҳа; S-ұта үтказувчан соҳа; $H_c(0)$ -харорат $T=0$ бўлгандаги критик магнит майдон.



5.4-расм. а) I тур ўта ўтказгичнинг бирлик ҳажмидаги магнит моменти М-нинг магнит майдони индукцияси В билан боғланиши; б) ўта ўтказгичнинг магнитланиш эгри чизиги.

Ўта ўтказгичлар ташки магнит майдони билан ўзаро таъсирлашишларидағи хоссаларига қараб бир биридан фарқ килади. Мазкур фаркка қараб ўта ўтказгичлар I ва II турларга бүлинади. Масалан, I тур ўта ўтказгичдан тайёрланган стержен ташки магнит майдонида жойлаштирилса, мазкур стерженнинг магнитланиш қобилияти билан магнит майдони ва унинг ичидаги магнит майдон билан ташки магнит майдон орасидаги боғланишларни ифодаловчи чизма 5.4-расмда көлтирилған күринища бұлады. II тур ўта ўтказгичларда содир бұладиган физикавий жараёнлар эса бундан фарқ килади.

Демек, I тур ўта ўтказгичларнинг магнитланиш қобилияти ва уларнинг ичидаги магнит майдонининг ташки магнит майдони билан боғлиқтесі 5.4-расмда көлтирилған чизмага үхашаш бұлар экан. Агар ташки магнит майдонининг қиймати критикка тенг бўлса, кескин ўзгариш содир бўлиши кузатилади.

6. МАГНИТ МАЙДОНИНИНГ КВАНТЛАНИШИ

Массив ўта ўтказгичнинг критик магнит майдонини H_{cm} билан белгилаймиз ва ҳарорат абсолют нолга интилгандағи экстраполяцияланган критик магнит майдонни $H_{cm}(0)$ деб оламиз. Үнда H_{cm} катталиктининг ҳароратта боғланиши күйидаги эмпирик формула ёрдамида яхши ифодаланиши мумкин:

$$H_{cm} = H_{cm}(0) \left[1 - \left(\frac{T}{T_c} \right)^2 \right].$$

Ушбу боғланиш ўта ўтказувчан ҳолатнинг фазавий диаграммаси күринишида H ва T координаталарда 5.3-расмда көлтирилген. Ушбу чизмадаги S-текислиқда ётувчи барча пункталар ўта ўтказувчан ҳолатта тегишилдири.

Массив ўта ўтказувчан ҳалқадан электр токи чексиз узок вакт окиши мумкин. Бунда албатта ҳеч қандай ток манбай талаб етимайды, чунки ҳалқанинг қаршилиги нолга teng. Мазкур сүймайдиган токни күйидаги усул билан ҳосил қилиш мумкин. Ҳалқани $T > T_c$ ҳароратда магнит куч чизиклари унинг юзасига перпендикуляр, яъни ҳалқа тешигини кесиб ўтадиган қилиб жойлаштирамиз ва ҳалқани ўта ўтказувчан ҳолатга ўтказамиз, яъни ҳароратни критикдан ҳам пасайтирамиз ва ундан сұнг магнит майдонини үчирамиз. Магнит майдонини үчирган биринчи вактимизда иткаридаги магнит оқими камая босрайди на Фарадейнинг электромагнит индукция конуни асосида ҳалқада ток индукцияланади, ундан сұнг у сұнмайды. Ушбу ҳосил бұлған ток ҳалқадаги магнит оқими қыйматининг камайишига түсқинлик килади, яъни энди магнит майдони үчирилғанда токнинг үзи ҳалқадаги оқимни аввали даражада ушлаб туради. Ҳақиқаттан ҳам, агар ҳалқа бирор бир қаршиликка (R) зға бўлганида, ташки магнит майдони олинганда ҳалқадаги оқим $\frac{L}{R}$ тартибдаги вактда камаяр эди. Бу ерда L -ҳалқа индуктивлиги, ўта ўтказувчан ҳалқада эса $R=0$ бўлғани учун, бундай сұниш чексиз вакт давом этади. Бу эса ҳалқада «музлаган» магнит оқимини ҳосил қилади, ҳалқа бўйлаб эса сұнмайдиган ток циркуляцияланади. Бу ўта ўтказувчан ток ёки ўта ток деб қабул қилинган.

Бир қарашда ҳалқада «музлаган» магнит оқимининг киймати ҳар қандай бўлиши мумкинлек. Мазкур масалага ойдинлик киритиш мақсадида қатор тажрибалар ўтказилган, улардан баъзилари ушбу мақолаларда келтирилган: Deaver B.S., Fairbank W.M. – Phys.Rev.Lett., 1961, v.7, p.43; Doll R., Nambauer M. – Phys.Rev.Lett., 1961, v.7, p.51. Ушбу экспериментал тадқиқотлар ичи буш ўта ўтказувчан цилиндр фақатгина мълум бир $\Phi_0 = 2,07 \times 10^{-7} \text{ A}\cdot\text{m}^2$ кийматта каррали магнит оқими, яъни магнит оқими квантларини қабул қилиши мумкинлигини кўрсатди. Магнит оқими квонти фундаментал катталиклар орқали ҳам ифодаланиши мумкин, яъни $\Phi_0 = \frac{hc}{e}$, бу ерда h – Планк доимийси, c – ёргуликнинг вакуумдаги тезлиги, e – электрон заряди.

Ушбу тадқиқотлар тасодифан амалга оширилмади. Таажубланарли жойи шундаки, бундай тажрибалар 1961 йилда эмас, ундан 30 йил илгари ўтказилиши керак эди, чунки ўша даврда ўта ўтказувчанлик ҳодисаси квант жараён эканлиги хақидаги фикрлар мавжуд эди.

7. ЖОЗЕФСОН ЭФФЕКТЛАРИ

Юқорида эслатганимиздек, ўта ўтказувчан, ичи буш цилиндрдаги магнит оқими факат Φ_0 магнит оқими квантларига каррали булган кийматларни қабул қиласи, яъни $\Phi_0 = \frac{h}{2e} = 2,07 \times 10^{-15} \text{ В}\cdot\text{б}$. Ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг квантли жараён эканлигини исботловчи яна бир далил, бу улардаги кучсиз ўта ўтказувчанликдир. Кучсиз ўта ўтказувчанлик деганда биз иккита ўта ўтказгичнинг кучсиз боғлам билан боғлангани тушинилади. Бундай кучсиз боғланиш туннелли ўтиш, юпка плёнкали торайиш, кичик ўта ўтказгичлар сиртларининг кучсиз тегиб туришидир.

Кучсиз ўта ўтказувчан боғланишлар билан Жозефсон эффицити боғлик. Жозефсоннинг стационар ва ностационар эффиектлари мавжуд.

Стационар эффицит. Жозефсоннинг стационар эффицити булганда кучсиз боғламдан утаётган ўта ўтказувчан ток жуда кичик булиб, ундан қаршиликсиз ўтади. Электронлар контактдан

(богламдан) ўтганда когерентлик хусусиятларини сақлайди, яъни иккала ўта ўтказгичдаги электронлар кучсиз боғлам орқали ягона квант жамоага бирлашади. Боғламнинг бир томонидаги электронлар тўлкин функцияси, электронларнинг «жойидаги» тўлкин функцияси билан интерференцияланади.

Натижада иккала томондаги электронлар ягона тўлкин функция билан ифодаланади, бу ерда кучсиз боғлам иккала томондаги тўлкин функцияни кескин ўзгартираслиги керак.

Ностационар эффицит. Жозефсоннинг ностационар эффицити бўлганда ўзгармас ток мълум электр кучланиш ҳосил бўлгунга қадар кучайтирилса, бунда кучланишнинг ўзгармас ташкил итвучисидан ташқари яна ω доиравий частота билан осцилляцияланувчи кўшимча ташкил этвучисидан ҳам иборат бўлади, унда унинг частотаси куйидаги ифода билан аникланади:

$$\hbar\omega = 2eV.$$

8. МЕЙССНЕР- ОКСЕНФЕЛЬД ЭФФЕКТИ

Агар ўта ўтказгич худди идеал ўтказгич деб, яъни солиширима қаршилиги нол деб каралса, унда у кучсиз ташкил мийнит майдонида ўзини қандай тутиши керак? Қаршилик $R=0$ бўлганда, яъни идеал ўтказгичда ташкил магнит майдони тъисирида, Ленц коидасига асосан, унинг хусусий магнит мийдонини ҳосил килувчи ток ҳосил бўлади. Унда умумий мийнит майдон нолга teng бўлади. Буни Максвелл ташкиламасидан фойдаланиб исботлаш мумкин. Индуksиянинг (B) ўзгариши натижасида намуна ичидаги E электр майдони ҳосил бўлиши керак. Буни куйидаги ифодадан кўриш мумкин:

$$rot \vec{E} = -\frac{1}{c} \frac{\partial \vec{B}}{\partial t}.$$

Идеал ўтказгичда $\vec{E}=0$, $\vec{E}=j\rho$, чунки $\rho=0$, c – ёргуликнинг вакуумдаги тезлиги, ρ – ўтказгичнинг солиширима қаршилиги, j – ўтказгичда ҳосил бўлган ток зичлиги. Ушбу мийносабатдан $\vec{B} = const$, эканлиги келиб чиқади. Аммо намуна майдонига киритилгунга қадар $\vec{B} = 0$, бундан эса $\vec{B} = 0$ эканлиги олиб чиқади, буни яна бошқача ҳам тушунтириш мумкин, яъни

$\rho = 0$ бүлгани учун ўтказгичга магнит майдонининг сўниш вақти чексиз.

Шундай килиб ташки магнит майдонига киритилган идеал ўтказгичнинг ҳар қандай нукталарида $\vec{B} = 0$ экан. Бундан шундай хуносага келса бўладики, идеал ўтказгичга $T > T_c$ бўлган шароитда магнит майдони сингади, яъни қаршилиги мавжуд бўлади. Агар ушбу ҳолатда ўтказгич совутилса, $T < T_c$ бўлганда, магнит майдони унинг ичидаги қолади. Бу ерда шуни эслатиш жоизки, биз шу пайтгача “идеал ўтказгич” деб атадик, «ўта-ўтказгич» эмас.

Олдинги бўлимларда эслатилгандек, 1933 йилгача ўта ўтказувчан материаллар фақатгина идеал ўтказгичлар деб қаралар эди. Немис физик олимлари Мейсснер ва Оксенфельд бундай эмаслигини аниқлашди. Яъни ҳарорат $T < T_c$ бўлганда намунадаги магнит майдони нолга тенг, яъни $\vec{B} = 0$ бўлади, ўтиш йўналишига боғлик бўлмаган ҳолда бу шарт бажарилади. Магнит майдон кучланганлиги $H < H_c$ бўлганда магнит майдони индукцияси $\vec{B} = 0$ бўлади.

Демак, моддаларнинг ўта ўтказувчанлик ҳолатида кўйидаги тенгламалар бажарилади:

$$\rho = 0, \vec{B} = 0.$$

9. БИРИНЧИ ТУР ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ МАГНИТ ХОССАЛАРИ

Юқорида эслатганимиздек, ўта ўтказгич ўзининг магнит хоссаларига қараб биринчи тур ўта ўтказгичларга ва иккинчи тур ўта ўтказгичларга бўлинади. Биринчи тур ўта ўтказгичларга ниобийдан ташқари даврий системадаги барча металлар киради. Ўта ўтказувчан қотишмалар ва кимёвий бирикмалар иккинчи тур ўта ўтказгичлардир.

Ушбу икки груп ўта ўтказгичларнинг асосий фарқи уларнинг ташки магнит майдони билан ўзаро таъсирлашув турлича булишидир. Мейсснер-Оксенфельд эффицити биринчи тур ўта ўтказгичлардагина кузатилади.

Магнитланиш эгри чизигини кўриб чиқамиз. Узун цилиндрически шаклидаги ўта-ўтказувчан намуна ташки бўйлама магнит майдони H , нивоҳи

ошиши билан ўта ўтказгичнинг ичидаги индукция ўзгармайди, у нолга тенглигича қолади, $B=0$. Шунинг учун $B=B(H_o)$ магнитланиш эгри чизиги 5.4-расмда келтирилган кўринишга эга бўлади. Қачонки, H_o майдон H_{cm} майдонга тенг бўлса ўта ўтказувчанлик бузилади ва магнит майдони ўта ўтказгич ичига сингади ҳамда \vec{B} индукциянинг қиймати ташки магнит майдони кучланганлиги H , га тенг бўлади.

Магнит индукция B ва магнит майдони кучланганлиги H , куйидаги маълум муносабат билан боғланган:

$$\vec{B} = \vec{H}_o + 4\pi\vec{M},$$

бу ерда \vec{M} намуна бирлик ҳажмидаги магнит момент. Кўпгина ҳолларда магнитланиш эгри чизигини - $4\pi M$ нинг H_o боғланиш кўринишида ифодалашади. Бундай боғланиш 5.4a-расмдаги чизмада ўз аксини топган. $\rho=0$ ва $\vec{B}=0$ тенгламаларидан биринчи тур ўта ўтказгичларнинг асосий магнит хоссаларини келтириб чиқарамиз.


1. Маълумки магнит майдони куч чизиклари ўта ўтказгичнинг ташкарисида ҳамма вакт унинг сиртига уринма кўринишида йўналган бўлади. Ҳакиқатдан ҳам, шектродинамикадан биз биламизки, магнит куч чизиклари, яъни \vec{H} индукция вектор чизиклари узлусиз ва беркдир. Уни куйидаги тенглама кўринишида ифодалаш мумкин.

$$div \vec{B} = 0$$

Унбу ифодадан шундай хulosага келса бўладики, \vec{B} векторининг нормал ташкил этиувчилари ҳар қандай материалнинг ички ва ташки сиртига бир хил бўлиши керак экан. Бироқ ўта ўтказгичнинг ичидаги $\vec{B}^{(0)}=0$ бўлади дейилганда, биз ўз навбатида нормал компонента ҳам $B_n=0$ бўлади деб тушунишимиз керак. У навбатида ўта ўтказгич ташкарисидаги сиртга нормал бўлган компонента $\vec{B}_n^{(0)}$ ҳам нолга тенг бўлади. Аммо $\vec{B}_n=0$ магнит майдони куч чизиклари ўта ўтказгич сиртига уринма кўринишида бўлишини кўрсатади.

2. Ташки магнит майдонида жойлаштирилган ўта ўтказгич сиртида ҳамма вакт сирт электр токи оқади. Бу куйидаги 9.1-расмди акс эттирилган.

Берилгандай нуктадаги магнит майдонининг кийматини H_0 билан белгилаймиз. Максвелл тенгламасидан $\nabla \times \vec{B} = \frac{4\pi}{c} j$. Биз биламизки, ўта ўтказгич ичиде $\vec{B} = 0$, яъни хажмий ток мавжуд эмас, яъни $j = 0$. Демак факат сирт токи булиши мумкин 9.1-расмдаги «1-2-3-4-1» контурни муҳокама қилиш орқали мазкур контур бўйлаб $\oint \vec{B} d\ell$ ифодани топамиз. 1 ва 2 нукталар оралиғидаги соҳада ўта ўтказгич сиртига паралел бўлган сирт токи оқади, яъни $\oint \vec{B} d\ell = H_0 l$, ифодани қаноатлантиради. Бу ерда l_{12} -соҳа узунлиги. 2 ва 3 ҳамда 1 ва 4 нукталар контурлари соҳаларининг улуши нолга тенг, чунки \vec{B} катталикни ушбу соҳаларда интеграллаш йўллари ортогоналдир. Буни эса симметриялик хусусиятидан келиб чиқиб исботлаш мумкин. 3 ва 4 нукталар контурлари соҳаларининг улуши ҳам нол, чунки ўта ўтказгичнинг ичиде магнит майдони индукция киймати $\vec{B} = 0$ бўлади.



9.1-расм. Ташки магнит майдонида жойлашган ўта ўтказгич сиртидаги сирт электр токи оқишини кўрсатувчи чизма

Шундай қилиб, $\oint \vec{B} d\ell = H_0 l$, тенглик бажарилар экан. Аммо Максвелл тенгламасига асосан

$$\oint \vec{B} d\ell = \frac{4\pi}{c} I,$$

бу ерда I ток 1-2-3-4-1 нукталар билан чегараланган контур сирти

перпендикуляр, яни биз томондан ичкарига томон йўналишда сирткى ток оқади, унинг чизикли зичлиги қўйидаги тенгламадан аниқланади:

$$H_0 I_{12} = \left(\frac{4\pi}{c} \right) j_{\text{сирт}} I_{12}$$

Бундан ўта ўтказгич сиртидаги сирт токи ва магнит майдони орасидаги қўйидаги боғланиш келиб чиқади:

$$j_{\text{сирт}} = \frac{c}{4\pi} [n, H_0]$$

бу ерда n ўта ўтказгич сиртига ўтказилган ташки нормал бирлик вектор.

Шундай килиб, сирткى ток $j_{\text{сирт}}$ тўлалигигча ўта ўтказгич сиртидаги магнит майдони, \overrightarrow{H}_0 билан аниқланар экан.

Бошқача қилиб айтганда, сирткى ток катта аниқлик билан ўз-ўзидан шундай буладики, унинг хусусий магнит майдони ўта ўтказгич ичидан ташки майдонга қарама-карши йўналган, бу эса натижавий майдоннинг ўта-ўтказгич ичидаги мавжуд бўлмаслигини таъминлайди ($B = 0$).

3. Ўта ўтказгичларнинг яна бир аниқ хоссасини эслаймиз, у ҳам бўлса бир боғламли ўта ўтказгич сиртидан ток фақат ташки майдон бўлгандагина оқади. Ҳақиқатдан ҳам, агар сирткى токлар ташки майдон олинганда ҳам сақланганда эди, улар ўта ўтказгичда ўзининг магнит майдонини ҳосил килиган бўлар эди, бу эса мумкин эмас. Бир боғламли жисм деганда шундай жисм тушуниладики, ушбу ҳолда ҳар қандай берк контур нуқтага тортилганда жисм чегаралари кесиб ўтилмайди.

Масала:

Агар кўргошиндан тайёрланган намуна 4,2 К ҳароратда ва критик магнит майдонида жойлаштирилган бўлса, унинг сиртидаги 1 см йўлакдан қандай ток оқади?

Ечими:

Сирт ток зичлиги $J_{\text{сирт}} = \frac{c}{4\pi} [n, H_0]$ ифода билан аниқланади. H_0 магнит майдон кучланганлигини $H_{\infty} = H_{\infty}(0) \left[1 - \left(\frac{T}{T_c} \right)^2 \right]$ формулага

мувофик 4,2 К ҳарорат учун критикка тенг деб олиш керак. Натижада ($\bar{n} = \bar{H}_o$ бўлса) $j_{\text{сурн}} = 422 \frac{A}{cm}$ га тенг қийматни оламиз.

10. МАССИВ МАТЕРИАЛ КРИТИК МАЙДОНИ (КРИТИК ТЕРМОДИНАМИК МАГНИТ МАЙДОН)

Биринчи тур ўта ўтказгичдан тайёрланган узун цилиндр бир жинсли бўйлама H_o магнит майдонида жойлаштирилган бўлсин. Ташқи майдоннинг шу ўта ўтказгични нормал ҳолатга ўтказувчи H_{cm} критик магнит майдонининг қийматини топамиз.

Агар $H_o < H_{cm}$ бўлса, унда Мейсснер-Оксенфельд эфектини кузатиш мумкин, яъни $\bar{M} = 0$ ва цилиндрнинг бирлик ҳажмидаги магнит моменти \bar{M} қуийдаги ифода орқали аникланади:

$$\bar{M} = -\frac{H_o}{4\pi}. \quad (10.1)$$

Ташқи магнит майдон \bar{H}_o ни $d\bar{H}_o$ қийматта ўзгартирсак, магнит майдони манбай ўз навбатида ўта ўтказгич бирлик ҳажмида қуийдаги қийматдаги ишни бажаради:

$$-\bar{M}d\bar{H}_o = \frac{H_o dH_o}{4\pi}. \quad (10.2)$$

Магнит майдонининг $0+H_o$ қийматларда ўзгаришида майдон манбай қуийдаги ифода билан аникланадиган ишни бажаради:

$$-\int_0^{\bar{H}_o} \bar{M}d\bar{H}_o = \frac{H_o^2}{8\pi}. \quad (10.3)$$

Ушбу иш H_o магнит майдонида жойлашган ўта ўтказгичнинг эркин энергиясида жамланган бўлади. Шундай килиб, агар ўта ўтказгичнинг эркин энергия зичлиги магнит майдони бўлмаганда F_{so} га тенг бўлса, магнит майдони бўлганда эса F_{SH} , яъни:

$$F_{SH} = F_{so} + \frac{H_o^2}{8\pi} \text{ га тенг бўлади.} \quad (10.4)$$

Ўта ўтказгичнинг нормал ҳолатга ўтиши F_{SH} эркин энергия зичлиги нормал металл эркин энергияси зичлигига эришганидагина содир бўлади, яъни: $F_{SH} = F_n$ тенг бўлганида, бу эса $H_o = H_{cm}$ тенг бўлганида содир бўлади. Бу эса ўз навбатида

$$F_n = F_{so} + \frac{H_{cm}^2}{8\pi} \quad (10.5)$$

еканлигини билдиради.

Ушбу ифодадан шундай холосага келса бұладики, массив үтказгычнинг критик майдони үта үтказувчан ҳолат нормал қолатта нисбатан қаича энергетик афзал эканлигини күрсатувчи киттгаликтер. Яъни үта үтказувчан ҳолат эркин энергияси нормал ҳолат эркин энергиясидан қанча кичиклигини күрсатади. Критик магнит майдони кучланғанлығы H_{cm} ни күп ҳолларда критик термодинамик майдон ҳам дейишади.

11. ҮТА ҮТКАЗГЫЧ ЭНТРОПИЯСИ

Термодинамиканинг биринчи қонуидан күйидаги ифодани өттеп мумкин:

$$\delta Q = \delta R + \delta U, \quad (11.1)$$

Бу срда δQ -каралаётган жисм иссиқлик энергияси зичлигининг үзгариши (ортгирмаси); δR -ташқы жисмлар устида ушбу жисм бирлік қажмининг бажарған иши, δU -жисм ички энергиясининг үзгариши.

Юқорида күрганимиздек, эркин энергия зичлиги F бұлғанда уни ушбу ифода орқали аниклаш мумкин:

$$F = U - TS, \quad (11.2)$$

Бу срда T -жисмнинг ҳарорати, S -энтропия зичлигиги. Үнда эркин шергия зичлигининг үзгариши,

$$\delta F = \delta U - T\delta S - S\delta T$$

бұлғади. Қайтувчан жараёнлар учун $\delta Q = T\delta S$ тенглик пайдаланылады. Қайтувчан жараёнлар учун күйидаги тенгламаларни оламиз:

$$\delta U = T\delta S - \delta R, \quad (11.3)$$

$$\delta F = -\delta R - S\delta T. \quad (11.4)$$

Шундуқтан тенгламалардан фойдаланиб, күйидаги тенгламани оламиз:

$$S = -\left(\frac{\partial F}{\partial T}\right)_R. \quad (11.5)$$

Шундуқтан келтирилген ифодалардан фойдаланиб, үтказувчан нормал ҳолаттарнинг солиширма энтропиялар фарқини табауда мумкин. Бунинг учун (10.5) формулани (11.5) ифодага аударылады:


$$S_s - S_n = \frac{H_{cm}}{4\pi} \left(\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} \right)_s . \quad (11.6)$$

(11.6) ифода мухим физикалык холосалар чиқариш имконини беради:

1. Нерист теоремасига асосан ҳарорат $T=0$ бүлгандан, барча жисмлар энтропияси нолга тенг бўлади. Шунинг учун $\left(\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} \right)_{T=0} = 0$. Бу эса $H_{cm}(T)$ функция билан аникланадиган эгри чизик $T=0$ бўлгандан нолли ҳосилага эга булишини кўрсатади.

2. Тажрибалар шуни кўрсатдики, $H_{cm}(T)$ функционал боғланиш монотон кўринишда бўлиб, ҳароратнинг ўсиши билан критик магнит майдони камаяр экан, яъни $0+T_c$ оралиғда $\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} < 0$ тенгсизлик бажарилади. Ўз навбатида ушбу ҳароратлар оралиғида $S_s < S_n$ тенгсизлик бажарилади.

3. Ҳарорат $T=T_c$ бўлгандан критик магнит майдон учун $H_{cm}=0$ тенглик бажарилади ва унда энтропия учун $S_s=S_n$ тенглик ҳам бажарилади. Схематик кўринишда энтропиялар фарки S_s-S_n нинг ҳароратта боғланишининг кўриниши куйидагича бўлади.



11.1-расм. Энтропиялар фарки $S_s - S_n$ нинг ҳароратта боғланишини ифодаловчи чизма.

Булар асосида биз қуйидаги мухим хуросаларни чиқаришимиз мүмкін:

1. Модда учун ўта ўтказувчанлик ҳолати нормал ҳолатта нисбатан анча тартибланған бұлар экан, чунки унинг энтропияси кичик бўлади.

2. Ҳарорат $T=T_{cm}$ бўлганда бир ҳолатдан (ута ўтказувчанлик ҳолатидан нормал ҳолатта ёки тескариси) иккинчи ҳолатта ўтиш ютилишсиз ёки яширган яъни иссиқлик чикармасдан содир бўлади, чунки $T=T_c$ бўлганда энтропия учун $S_s=S_n$ шарт бажарилади. Ўз навбатида бундай ҳарорат $T=T_c$ бўлгандаги ўтишлар иккинчи тур фазавий ўтишлардир. Кўпгина ўта ўтказувчан қотишма ва бирикмалар учун бир ҳолатдан бошқасига ўтишлар II –тур ўтишлар таркибига киради.

3. $T < T_c$ бўлганда ўта ўтказувчан ҳолатдан нормал ҳолатта ўтиш магнит майдони таъсирида содир бўлади. Чунки $S_s < S_n$, тенгсизлик бажарилганда яширган иссиқлик ютилиши содир бўлади. Тескари ҳолатда эса, яъни нормал ҳолатдан ўта ўтказувчан ҳолатта ўтилганда яширган иссиқлик ажралиб чиқади. Ўз навбатида $T < T_c$ да бўлгандаги магнит майдони таъсиридаги барча ўтишлар биринчи тур фазавий ўтишлар дейилади.

Ушбу ходисанинг ажойиблиги шундаки, термодинамиканинг бир неча формуласлари ва факат битта экспериментал $H_{cm}(T)$ бөгланиш далили шунчалик фундаментал дараждердаги хуросалар чиқаришга имконият яратади!

Охир-оқибат нормал ҳолатта нисбатан ўта ўтказувчанлик ҳолати юқори даражадаги тартибланиш (кичик энтропия) билан даражерланишини тушуниб етишда узок йўл ётишини, бу электронларнинг ўзини когерент, ўзаро келишилган ҳолда тушишидир деган хуросага келса бўлар экан.

12. ИССИҚЛИК СИГИМИ

Моддаларнинг иссиқлик сигимини $C = T \left(\frac{\partial S}{\partial T} \right)$ ифода оғимидаги аниклаш мүмкнлиги сабабли, ўта ўтказувчан (C_s) ва


(C_s) нормал ҳолатлардаги моддаларнинг иссиқлик сифимлар фарқини куйидаги тенглама ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$C_s - C_n = \left(\frac{T}{4\pi} \right) \cdot \left[\left(\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} \right)^2 + H_{cm} \frac{\partial^2 H_{cm}}{\partial T^2} \right] \quad (12.1)$$

Ушбу ифодани олиш учун биз (11.6) тенгламани дифференциалладик. Ҳарорат $T=T_c$ бўлганда, магнит майдони кучланғанлигининг критик киймати $H_{cm}=0$ эканлигини зътиборга олсак (12.2) ифодага эга бўламиз.

$$C_s - C_n = \left(\frac{T_c}{4\pi} \right) \cdot \left(\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} \right)_{T_c}^2 \quad (12.2)$$


Мазкур ифода Рудгерс формуласи номи билан машхурдир. Ушбу ифодадан кўриниб турибдики, ҳарорат $T=T_c$ бўлганда, иссиқлик сифими қийматининг кескин сакраши содир булар экан. Рудгерс формуласи ушбу сакраш амплитудасининг қийматини беради. 12.1-расмда иссиқлик сифимининг ҳароратта боғланиш графиги келтирилган. Ҳарорат критик қийматдан катта $T > T_c$ бўлганда, худди нормал металларда кузатиладигандек (электронли иссиқлик сифим) иссиқлик сифими ҳароратта чизикли боғланган бўлади. Бу чизмада кескин сакраш кўринишида акс эттирилган. Ушбу расмда келтирилган чизмани факат экспериментал далил сифатида қараймиз, аммо ҳарорат критик қийматдан кичик $T < T_c$ бўлса $C_n(T)$ боғланишни ифодаловчи эгри чизик $C_s(T)$ боғланишни ифодаловчи эгри чизикни кесиб ўтади, бу эса юқорида келтирган муҳокаманинг холосасидир. Ҳакиқатан ҳам $(C_s)=(C_n)$ тенгликка эришилган нуктада, $\frac{\partial(s_s - s_n)}{\partial T} = 0$ шарт бажарилади. Бироқ 12.1 расмда келтирилган чизмага асосан ҳарорат критик қийматдан кичик $T < T_c$ бўлгандагина бундай нуктанинг бўлиши шартдир. Иссиқлик қийматининг кескин ўзгариш амплитудасининг қиймати $\left(\frac{T_c}{4\pi} \right) \left(\frac{\partial H_{cm}}{\partial T} \right)_{T_c}^2$ га тенг.



12.1-расм. Үта ўтказгич иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғланиш чизмаси.

Үта ўтказгичларнинг иссиқлик сиғими аниқлашдаги илмий тадқиқотлар бошқа усуллар, яъни магнит, электр ва оптик усулларга нисбатан катта аниқлик билан олиб борилишини талаб килади. Аммо, иссиқлик сиғимини үлчашда олинган натижалар үта ўтказгичнинг кўпгина элементар микрохарактеристикаларини аниқлаш имконини беради.

Хуласалаш мақсадида үта ўтказувчанлик ҳодисасига исосланган үта юкори сезирликка эга бўлган электрон исబобларнинг аниқлик даражасини тасаввур этиш мақсадида мизкур қўшимча маълумотларни келтирамиз.



12.2-расмнинг пастки кисмида баъзи биологик майдонларнинг амплитудалари ва уларга мос келувчи частоталарнинг чегаравий қийматлари келтирилган. Асосий эътибор инсон танасида ҳосил бўладиган биологик магнит майдонларнинг амплитудаси ва частотасига қаратилган. Мазкур қийматлар ўзаро солиштирганда, энг кичик қайд этилиши керак бўлган магнит майдони кучланганлигининг қиймати бу инсон мияси қобигида ҳосил бўлган майдон эканлиги намоён бўлади. Унинг қиймати -10^{-13} Тл дан ҳам кичикдир.

12.2-расмда келтирилган қийматлардан СКВИД нинг сезирлиги биологик магнит майдонининг қийматидан бир неча даража юқори эканлигини кўрамиз. Биологик магнит майдонларни шаҳар шовкинлари ва Ер ҳосил килган магнит майдони мухитида қайд килишни ўзи фанда катта муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал этишда экранлаш (тўсиш) ва компенсациялаш усулларидан кенг фойдаланилади. Ушбу муаммони ечиш бўйича қатор тажрибалар дунёнинг кўпгина лабораторияларида олиб борилмоқда.

СКВИД ларнинг тузилиши, уларнинг ишлаш принциплари, уларда содир бўладиган физиковий жараёнлар мухокамаси плохида эътиборни талаб киласди.

Физика фанининг ўта ўтказувчанлик, ўта окувчанлик ва магнетизм соҳалари билан дунёнинг кўпгина таникли физик олимлари алоҳида эътибор билан шугулланганлар. Мазкур олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида жаҳоншумул кашфиётлар яратилди. Яратилган кашфиётлар ва уларнинг муаллифлари 12.1-жадвалда акс этирилган. Кашфиёт муаллифлари эришган ютуклари учун Нобель мукофоти билан тақдирландилар. 12.1-жадвалнинг охирги сатрида келтирилган Нобель мукофоти лаурнатлари В.Л.Гинзбург, А.А.Абрикосов ва Л.Ж.Легтеттлар ўта ўтказувчанлик ва ўта окувчанлик соҳасидаги ишлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлдилар. Аммо шу орда таъкидлаш жоизки ҳозирги кунгача металоксидларда ўта ўтказувчанлик ҳодисаси билан боғлиқ барча физиковий жараёнларни тушунтира оладиган ягона назария яратилиши очик колмоқда.

12.1-жадвал

Тақдирланған йил	Нобел мүкофоти Лауриатининг номи	Нобел мүкофотига сазовор бўлган ишнинг номи
1913 йил	Г. Камерлинг-ОНнес	Суюқ гелий олгани ва паст ҳароратларда моддалар хоссаларини тадқик килгани учун.
1962 йил	Л.Д. Ландау	Конденсирланган мухитлар назарияси ва асосан суюқ гелий устида утказган илк тадқиқотлари учун.
1970 йил	Л. Нель	Қаттиқ жисмларда кен кўлланиладиган антиферромагнетизм ферромагнетизм соҳасидаги ишлари учун.
1972 йил	Дж. Бардин Л. Купер Дж. Шриффер	Ўта ўтказувчанлик назариясини яратганларни учун
1973 йил	А. Живер Б. Жозефсон Л. Эсаки	Қаттиқ жисмларда туннелланиш ҳодисаси билан бөглик бўлган ихтиролари учун.
1977 йил	Дж. Ван-Флек Ф. Андерсон	Магнетизм ва тартибси системалар соҳасида бажарган ишлари учун.
1978 йил	П.Л. Калица	Паст ҳароратлар соҳасидаги бажарган фундаментал тадқиқотлари ва яратган ихтиролари учун.
1987 йил	Г. Берднерс А. Мюллер	Юкори ҳароратли ўтказувчанлик ҳодисасини тажрибада кузатганларни учун.
2000 йил	Ж. Альфёров	Гетероструктурали системаларни олиб борган тадқиқотлари учун.
2003 йил	В.Л. Гинзбург, А. Абрикосов, А.Ж.Лейтетт	Ўта ўтказувчанлик ва ўт окувчанлик соҳасидаги ишлари учун.
2007 йил	А.Ферт, П.Грюнберг	Гигант магнит қаршиликни кашшанлиги учун

13. ЭРКИН ЭНЕРГИЯ

Үтә ўтказувчанликни ўрганишда тез-тез учраб турадиган термодинамик потенциалларнинг хоссаларига тұхталамиз. Ушбу потенциаллар ҳар қандай мөдданинг хоссаларини хисоблашларда фойдалидир⁴.

Агар жисм маълум ички магнит индукция \bar{H} да ва ҳароратда ташки магнит майдони H_0 да жойлаштирилган бўлса, унда термодинамик мувозанат минимумида $F = \int G dV$ эркин энергияга ша бўлади, бу ерда эркин энергия зичлиги (11.2) ифодадан никланган. Баъзи ҳолларда ушбу катталиктин Гельмгольцнинг эркин энергияси ҳам деб аташади. Кўпгина хисобларда бундай кўринишдаги потенциалдан фойдаланиш нокулайдир, чунки ташки магнит майдонида жойлаштирилган жисм учун одатда ҳароратнинг ва ташки магнит майдонининг доимий ўзгармаслик (доимийлик) шарти берилади.

Ушбу ҳолатда термодинамик мувозанат бошқача кўринишдаги термодинамик потенциал, яъни қуйидаги ифодалар билан аникланади. Бу эса Гиббс эркин энергияси минимумга пришганда содир бўлади.

$$F = \int G dV \quad (13.1)$$

$$G = F - \frac{\bar{H} H_0}{4\pi} \quad (13.2)$$

Масалалар:

1. Бир сантиметр куб кўрғошиннинг эркин энергияси у үтә ўтказувчан ҳолатга ўтганида қанчага камаяди? Мазкур ўтиш магнит майдонида ва ҳарорат 4,2 К бўлганда содир бўлади.

Ечими: Эркин энергиялар фарки $F_s - F_{s0} = \frac{H_0^2}{8\pi}$ формула билан аникланади. Массив ўтә ўтказувчан намунанинг критик магнит майдони H_{c0} нинг 4,2 К ҳароратдаги қийматини

⁴ Бу масала Ландау Л.Д., Лифшиц Е.М. муаллифлига «Электродинамика сплошных сред» ном билан Москва шахридаги «Наука» нашриётида 1972 йилда чоп тиригин китобда көнт ёритилган.

$$H_{\text{cm}} = H_{\text{cm}}(0) \left[1 - \left(\frac{T}{T_0} \right)^2 \right] \quad \text{формула ёрдамида аниқлаш мүмкін. } H_{\text{cm}}(0)$$

катталиктан жадвалдан олинган қиймати 803 ± 1 Эрстед
эканлигидан фойдаланиб, $F_s - F_n = 1,1 \cdot 10^4 \frac{\text{Эрг}}{\text{см}^2}$ қийматни оламиз.

2. Юқоридаги масала шартлари бажарылғанда, бир сантиметр куб күрғошиндан қанча иссиклик ажралиб чиқади?

Ечими: Ажралиб чиқиши мүмкін бўлган иссиклик мөндори $Q = T(S_s - S_n)$ ифода билан аниқланадиган қийматтага тенг.

$$H_{\text{cm}} = H_{\text{cm}}(0) \left[1 - \left(\frac{T}{T_0} \right)^2 \right] \quad \text{ва} \quad S_s - S_n = \frac{H_{\text{cm}}}{4\pi} \left(\frac{\partial H_{\text{cm}}}{\partial T} \right), \quad \text{формулалардан}$$

фойдаланиб, $Q = 2,3 \cdot 10^4$ Эрг қийматни ҳисоблаб топамиз.

Изоҳ: (11.6) формулада энтропиялар фарқи $\left(\frac{\partial H_{\text{cm}}}{\partial T} \right)$ катталиқ орқали ифодаланади. Берилған масала шароитида, яъни ташки майдон чексизликка боғланган бўлгани учун ўта ўтказгич ташки жисм устидан унинг ҳарорати ўзгарганда ҳеч қандай иш бажармайди. Ҳақиқатан ҳам, бундай ўта ўтказгич учун ташки жисм устида бажариладиган ягона иш тури бу унинг ички ҳолати ўзгарганда электромагнит тўлқиннинг нурланишидир. Бирок бунинг учун, Пойнтинг вектори интеграли $\left(\frac{c}{4\pi} \right) \cdot [\vec{E} \cdot \vec{H}]$ ўта ўтказгич

сирти бўйича нолга тенг бўлмаслиги керак. Электр майдони E фақаттана индукция B ўзгаргандағина ҳосил бўлади. Аммо $B = 0$ эканлиги учун магнит майдонидаги ўта ўтказгичнинг ҳарорати ўзгарганда нурланиш содир бўлмайди. Демак, $\left(\frac{\partial H_{\text{cm}}}{\partial T} \right) = \left(\frac{\partial H_{\text{cm}}}{\partial T} \right)_B$, тенглик шарти бажарилади ва (12.1) формуладан фойдаланиш мүмкін.

3. Күрғошиннинг нормал ва ўта ўтказувчан фазалардаги иссиклик сиғими тенглашган ҳолдаги ҳарорати топилсин.

Ечими: Иссиклик сиғимлар фарқини ифодаловчи энтропиялар фарқи $S_s - S_n = \frac{H_{\text{cm}}}{4\pi} \left(\frac{\partial H_{\text{cm}}}{\partial T} \right)$, формулани минимумда

тадқиқ этиб, изланаётган ҳарорат $\frac{T}{T_0} = 4,16$ К га тенг эканлигини

4. Қалайниг З К ҳароратдаги критик термодинамик магнит майдони топилсин. Жавоби: 108 Эрстед.

5. Критик ҳароратда бўлган қўрошиннинг бирлик ҳажмидаги иссиқлик сигимининг сакраш амплитудаси топилсия.

Жавоби: $2,8 \cdot 10^4 \frac{\text{Эрс}}{\text{см}^3 \cdot \text{К}}$

14. ЎТА ЎТКАЗУВЧАНИК НАЗАРИЯСИННИГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ўта ўтказгичлар электродинамикасини ифодаловчи биринчи назария бу Лондонлар назариясидир (1935 й.). Ушбу феноменологик назарияда, яъни Максвелл тенгламаларига кўшимча равишда ўта ўтказгичдаги электромагнит майдон тенгламалари таклиф этилди, мазкур назариядан ўта ўтказгичнинг асосий хоссалари, яъни абсолют диамагнитлик ва ўтиармас токка нисбатан каршиликнинг нолга тенглиги келиб чиқар эди. Лекин ушбу назарияда ўта ўтказувчаникнинг электронлар даражасидаги микроскопик механизми нимадан иборат эканлиги тушунирилмади, яъни Лондонлар тенгламасидан келиб чиқадиган ўта ўтказгичлар нима учун ўзини шундай тутади?- деган савол жавобсиз колди.

Лондонлар назариясига асосан ўта ўтказгичдаги электронларни икки хил электронлар жамоасидан, яъни ўта ўтказувчан ва нормал электронлар йигиндисидан иборат деб каршиди. Ўта ўтказувчан электронлар зичлиги n , ҳарорат ошиши билан камайишини ва $T=T_c$ бўлганда нолга тенг булиши ва тескари ҳолат $T=0$ бўлганда $n=n$, булиши таклиф этлди. Бу ўта ўтказувчаникнинг 2 суюкликли модели сифатида тушунилади. Ўти ўтказувчан электронлар хосил қилган ток - каршиликсиз ток. Ўндан маълумки, ушбу ҳолда ўта ўтказгичда ўзгармас электр майдони булиши мумкин эмас экан, чунки акс ҳолда бу ўта ўтказувчан электронлар жамоасини чексиз тезлашишига олиб олиш эди. Тескариси, ўзгарувчан электр майдонида ҳам ўта ўтказувчан электронлар токи, ҳам нормал компонентлар булади. Ўнда нормал ток одатдаги Ом қонунига буйсунади. Реал ўта

параллел уланган күринишида моделлаштирилиши мумкин. Идеал ўтказгич ушбу ҳолда индуктивликка эга булиши керак, бунинг ёрдамида эса ўта ўтказувчан электронларнинг инерцияни хоссаларини моделлаштириш мумкин.

Лондонлар таклиф этган тенгламалар электрон суюкликтаги ўта ўтказувчан компонентани ўзгармас ва ўзгарувчани электромагнит майдонда қандай тутишини ифодалади. Улар ёрдамида ўта ўтказгичнинг кўпгина хоссалари тавсиф этилади. Аммо 40-йилларга келиб аниқ бўлдики, Лондонлар назарияси битта саволга тўғри жавоб бермас экан. Ушбу назариядан келиб чиқадики, нормал ва ўта ўтказувчан фазалар чегараларидағи энергия δ_m оралиқ ҳолат бўлганда уга ўтказгичда манфий бўлар экан. Бу эса ташқи магнит майдонида ўта ўтказгичнинг нормал ва ўта ўтказувчан фазалари, булиши мумкин бўлган кичик тақрорланувчи тур қатламларга ажралиши мумкинлигига олиб келади, ушбу ҳолда ўта ўтказгич ичида бўлимлар чегаралари юзасининг йигиндиси имкони борича катта булади, чунки унинг энергияси $\delta_m < 0$ дир. Ушбу ҳолат ҳатто ўки магнит майдонига параллел жойлаштирилган узун цилиндр бўлганда ҳам содир булиши мумкин. Бу эса ўша пайтларда олинган тажриби натижаларига зид эди. Тажрибалар шуни кўрсатдиги қатламларга ажралиш факат магнит сирпаниш фактори $\neq 0$ дан фарқли бўлган жисмларда яъни оралиқ ҳолатда содир бўлар экан, ушбу қатламлар ўлчами анчагина катта $\sim 1\text{мм}$ атрофида бўлар экан, бу эса факатгина $\delta_m > 0$ бўлганда содир булади, ушбу ҳолат Лондонлар назариясида айтилганлар билан мос келмайди.

Мазкур қарама-қаршилик Гинзбург-Ландау назарияси (ГЛ-назарияси) ёрдамида бартараф этилди, ушбу назария ҳам феноменологик назария эди, аммо унда квант ҳодисалар хисобга олинган эди. Квант жараёнларни зътиборга олиш зарурлигини куриб чиқамиз. Ўта ўтказувчан электронларни ифодаловчи тўлкин функция ψ бўлсин. Унда ушбу функцияning модули квадрати (n , га пропорционал) нормал фазада нолга айланиши керак бўлсин ва ўта ўтказувчан фазада маълум бир мувозанат кийматга эришиш учун нормал ва ўта ўтказувчан (NS)-чегарада узлуксиз ошсин. Ўз навбатида чегарада ψ нинг градиенти пайдо бўшиши кепак бипок $|\nabla\psi|^2$. катталик квант механикасидан

матлумки, кинетик энергия зичлигига пропорционалдир. Ушбу шарт жараёнлар эътиборга олинганида, биз NS-чегарада шунимча мусбат энергия жамланганлыгини ҳам эътиборга олган бўламиз. Шундай қилиб, квант жараёнларни ҳисобга олиш, $\sigma_{ns} > 0$ тенгсизликни олиш имконини беради.

ГЛ назариясининг чуқур асосланиши кейинчалик кўрилади. Ўни биз бутун ўта ўтказувчанлик фанида улкан аҳамиятга эга бўлган ГЛ назариясининг ёнг муҳим асосини кўриб чиқамиз.

Ўта ўтказувчанлик ҳодисасини ифодалаш учун квант механикаси қўлланилди. Ўта ўтказгичларнинг ўзини тутишини ва ундағи ўта ўтказувчан электронларни ҳолатини ифодалаш учун битта фазовий координатага эга бўлган $\psi(\vec{r})$ тўлқин функция притилди (бу ерда шуни эслаш лозимки, металлардаги n та электронни тўлқин функцияси n та координат функциясидир $\Psi(r_1, r_2, r_3, \dots, r_n)$). Бу билан барча ўта ўтказувчан электронларнинг ўро мослашган ва ўзларини когерент тутиши зътиборга олинди. Ҳиккатан битта электрон стационар ҳолати квант механикасида $\psi(r)$ функция билан ифодаланади. Агар n_s та электрон ўзини бир кил тутса унда битта ўзгарувчига эга бўлган тўлқин функция уларни ифодалashi мумкин. Ушбу функция аникланганда ўта ўтказувчанликнинг кўпгина квант ва макроскопик эфектларни ифодалаш имкони пайдо бўлади. ГЛ назарияси Ландаунинг иккинчи тур фазовий ўтишлари (Ландау назарияси) асосида бўлганлиги учун у фақаттана ўта ўтказгичнинг критик ҳарорати иккинидагина ўринли экан, яъни T_c учун $T << T_c$ тенгсизлик бажариладиган соҳа учун А.А.Абрикосов (1957 йил) ГЛ назариясини ўта ўтказувчан қотишмаларга кўллаб, иккинчи тур ўта ўтказгичлар назариясини яратди. Ўта ўтказгичлар учун ҳамма шарт ҳам $\delta_{ns} > 0$ бўлган шарт бажарила бермас экан, $\delta_{ns} > 0$ тенгсизлик бажариладиган ўта ўтказгичлар биринчи тур ўта ўтказгичлар экан. Кўпгина қотишма ва кимёвий бирикмалар учун $\delta_{ns} < 0$ тенгсизлик бажарилади, булар эса иккинчи тур ўта ўтказгичлардир. Иккинчи тур ўта ўтказгичларда Мейсснер эфекти бажарилмас экан, ва магнит майдони иккинчи тур ўта ўтказгичлар ичига сингади, лекин ушбу сингиш ўзига хос бўлиб, квантланган уюрмали иплардек (макромасштабдаги квант эфект). Ўта ўтказувчанлик бундай моддаларда жула катта

магнит майдонларда ҳам бўлиши мумкин. Лекин «ўта ўтказувчан» электронларнинг ўзларини тутишини тавсифловчи, на Лондонлар назарияси, на ГЛ. назарияси уларнинг ўзлари нима?-деган саволга жавоб бера олмади. Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси кашф этилганига 46 йил бўлган бўлса ҳам ўта ўтказгичнинг ўзи нима деган савол, яъни микроскопик даражада ушбу ҳодисани тушунтира оладиган савол жавобсиз қолди.

Нихоят 1957 йилда Дж.Бардин, Л.Купер ва Дж.Шриффлерларнинг (БКШ назарияси) ушбу саволга жавоб берадиган мақолалари чоп этилди. Мазкур масаланинг ечилиши учун Н.Н.Боголюбов (1958 йил) ҳам улкан хисса кўшди. У ишлаб чиқсан математик усул ҳозирги кунда ҳам ўта ўтказувчанликни ўрганувчи олимлар томонидан кенг қўлланилмоқда. Ўта ўтказувчанликнинг микроскопик механизмини тушунишдаги ҳал қилувчи қадам Л.Купер (1956 йил) томонидан қўйилди. Уни маъноси қўйидагича. Нормал металл асосий ҳолатда бўлсин, яъни ўзаро бир-бири билан таъсирлашмаётган электронларнинг барча ҳолатлари k -фазодаги Ферми сфераси ичida бўлсин, ушбу сферанинг ташқарисидаги барча ҳолатлар бўш бўлсин. Яна жуфт электронларни киритамиз ва уларни ($k\uparrow$) ва ($k\downarrow$) ячейкаларги (уяларга) жойлаштирмиз (стрелкаларнинг йўналиши электронларнинг спинларини йўналишини кўрсатади). Агар ушбу икки электрон маълум бир сабабларга кўра бир-бирига тортилса, унда ушбу тортилиш қанчалик кичик, яъни кучсиз бўлмасни, улар боғланган ҳолатни ҳосил қиласр экан. Улар Купер жуфтлари дейилди.

БКШ назариясида, электрон-фонон ўзаро таъсирни хисоби олиш, маълум бир шароитларда электронлар орасидаги ўзаро тортишувни ҳосил бўлишига олиб келиши кўрсатилиши Натижада электронларнинг бир кисми Купер жуфтларини ҳосил қиласди. Аммо бундай жуфтликлар спинларининг йигиндиси ном бўлади, яъни нолли спинга эга бўлишади, бундай жуфтликларни бозе-заррачалар (яъни Бозе-Эйнштейн статистикасини бўйсунувчи заррачалар) деб қараш мумкин. Бундай заррачалар ажойиб бир ҳоссага эга бўлади. Агар системанинг ҳарорати маълум бир критикдан T_c паст бўлса улар энг пастки ширгече сатҳда, асосий ҳолатда йигилиши мумкин бўлар экан, бундай унга қанча кўп йигилса унга заррачалаплан биботасининг

Холатдан чиқиб кетиши шунчалик қийинлашар экан, яни Бозеконденсацияси содир бўлади. Конденсатда бўлган барча заррачалар битта фазовий ўзгарувчига эга бўлган битта тўлқин функция оркали ифодаланади. Маълумки, бундай конденсатнинг оқими ўта оқувчанлик хоссасига эга, яни диссипативсиз булиши керак. Ҳакиқатан ҳам, конденсатнинг бирор бир заррачасининг, металл кристалл панжарасининг дефектларида сочилиши осон бўлмайди. Бунинг учун унга конденсатнинг бошқа барча заррачалари томонидан ҳосил бўлган таъсир «каршиликни» енгиги үтиш зарур.

Шундай килиб, ўта ўтказувчанликни шундай тасаввур этсак бўлиши: Ҳарорат $T < T_c$ критик қийматдан кичик бўлганда ўта ўтказгичда купер жуфтларидан иборат конденсат мавжуд бўлар ман. Ушбу конденсат эса ўта оқувчанлик хоссасига эга бўлар ман. Бу электр токининг ўта ўтказгичда купер жуфтлари ёрдамида каршиликсиз үтишига, яни токнинг элементар ўтикличилари $2e$ зарядга эга эканлигидан далолат беради.

Ўта ўтказувчанлик назариясининг кейинги ривожланиши функцияси ёрдамида БКШнинг модулли масаласини ечиш ишлаб чиқсан Л.П.Горьковнинг (1958 йил) ишларида ишом этди. Горьковнинг иши Гинзбург-Ландау-Абрикосов-Никифоров назариясининг (ГЛАГ-назарияси номи билан машхур) ёрдами чиқилиши билан ниҳоясига етди.

15. ЎТА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ЧИЗИКЛИ ЭЛЕКТРОДИНАМИКАСИ

Ўта ўтказгичлар электр ва магнит майдонлари билан ўзаро ишлганда содир бўладиган физикавий жараёнлар биринчи яка-ука Фредрих ва Генри Лондонлар томонидан ишлаб ўрганилди. Ушбу ўзаро таъсирни ойдинлаштиришни куйидагича фикр юритамиз.

Мисалан, ўта ўтказгич алоҳида электр ва магнит ишларида жойлаштирилганда ундаги электр ва магнит билан ўзаро таъсирланганда ҳосил бўлган ток кучи маълум боғланиш борлиги аниқланди. Ушбу боғланишни

электронларнинг зичлигини n ҳарфи билан, ўта ўтказувчан электронларнинг зичлигини n_s ва нормал электронларнинг зичлигини n_n билан белгилаймиз. Унда ўта ўтказгичдаги умумий электронлар зичлигини қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$n = n_s + n_n. \quad (15.1)$$

Намунанинг ҳарорати 0 дан T_c гача ўзгарганда n , нинг қиймати n дан 0 гача ўзгаради. Мазкур физикавий ёндашиш ўта ўтказувчанлик ҳодисасини тушунтиришдаги икки суюкли кли моделини негизини ташкил этади.

Электр ва магнит майдонларининг кучланганликлари жуда кучсиз, яъни ўта-ўтказувчан электронларнинг зичлигига деярли таъсир этмайди ва ўта ўтказувчан электронларнинг зичлиги намунанинг бутун ҳажмида бир хил деб фараз этамиз. Унда, электр майдонида ҳаракатланаётган эркин электронлар учун ҳаракат тенгламаси қўйидаги кўринишда бўлади:

$$ma = eE. \quad (15.2)$$

Агар электронларнинг зичлигини эътиборга олсак:

$$m_a = neE. \quad (15.3)$$

Намуна ўта ўтказувчан ҳолатда бўлганда, яъни $T < T_c$ ҳароратда:

$$n_s m_a = n_s e E, \quad (15.4)$$

ёки

$$n_s m \frac{d\vartheta_s}{dt} = n_s e E, \quad (15.5)$$

Ушбу тенглама, электр майдонида жойлашган намунанинг бирлик ҳажмидаги ўта ўтказучан электронларнинг ҳаракат тенгламасидир. Бу ерда: m -электроннинг массаси; e -электроннинг заряди; ϑ_s - ўта ўтказувчан электронларнинг тезлиги; a_s - ўта ўтказувчан электронларнинг тезланиши; E -электр майдонининг кучланганлиги.

Ўта ўтказгичда хосил бўлган ток-ўта токнинг зичлиги $j_s = n_s e \vartheta_s$ эканлигини эътиборга олсак,

$$j_s = \frac{j_s}{n_s e} \quad (15.6)$$

$$E = \frac{d(j_s)}{dt} \quad (15.7)$$

$$\lambda = \frac{m}{n_s e^2} \quad (15.8)$$

(15.7) тенглама Лондонларниң 1-тенгламаси деб қабул қилинган. Үндән күринадик, электр майдонининг кучланғанлиги билан ўта ток орасыда чизиқли боғланиш мавжуд экан.

Агар стационар ҳолат бұлса яғни, $\frac{dj_s}{dt} = 0$ бўлганда, ўта ўтказгичнинг электр майдон кучланғанлиги нолга айланади.

Ўта ўтказувчан намуна магнит майдонида жойлаштирилганда ҳам, ўта ток билан магнит майдони кучланғанлиги орасыда боғланиш борлигини аниклаш мумкин.

Берилган нүктадаги магнит майдони кучланғанлигини $-H(r)$ билан белгилаймиз.

Ўта ўтказувчан намуна ҳажмидаги магнит майдони кучланғанлиги ўзгаришини, яғни $-H(r)$ ни кўриб чиқамиз.

Ўта ток кинетик энергиясининг зичлиги:

$$W_{kin} = \frac{n_s m g_s^2}{2} \Rightarrow \frac{m j_s^2}{2 n_s e^2} \quad (15.9)$$

Магнит майдони кучланғанлиги ва ток зичлиги орасидаги боғланишни ифодаловчи Максвелл тенгламаси:

$$rot H = \left(\frac{4\pi}{c} \right) j_s; \quad (15.10)$$

ундан

$$j_s = \left(\frac{c}{4\pi} \right) rot H \quad (15.11)$$

(15.11) тенгликни (15.9) тенгламага қўямиз:

$$W_{kin} = \frac{m \left[\left(\frac{c}{4\pi} \right) rot H \right]^2}{2 n_s e^2}$$

бу үндан

$$W_{kin} = \frac{m \left[\left(\frac{c}{4\pi} \right) rot H \right]^2}{2 n_s e^2} = \left(\frac{mc^2}{16\pi^2 2n_s e^2} \right) (rot H)^2 = \left(\frac{mc^2}{32\pi^2 n_s e^2} \right) (rot H)^2 = \\ = \left(\frac{mc^2}{4m_s e^2} \right) \left(\frac{1}{8\pi} \right) (rot H)^2$$

ни сўламиз. Бу ифодада:

$$\left(\frac{mc^2}{4m_s e^2} \right) = \lambda \quad (15.12)$$

Ушбу күринишдаги белгилашни киритсак, унда қуидаги тенглих бўлади:

$$W_{\text{кин}} = \left(\frac{\lambda^2}{8\pi} \right) (rodH)^2 \quad (15.13)$$

Эркин энергия

Маълум бир жисм ташки магнит майдони H_0 дар жойлаштирилганда унинг ичидаги B магнит майдони индукцияси бўлиб, унда термодинамик тенглашув содир бўлади. Эркин энергия йўминимумга эга бўлади.

$$\mathcal{E} = \int F dV. \quad (15.14и)$$

Эркин энергия зичлиги F эса қуидаги аниқланади:

$$F = U - TS, \quad (15.15и)$$

Бу ерда U -система ички энергияси; T -ҳарорат; S -энтропия зичлиги.

Агар цилиндр шаклидаги ўта ўтказгични олиб, унинг кесим юзини магнит майдони куч чизиклари йўналишига перпендикуляр ҳолда жойлаштирысанда, унда ўта ўтказгични нормал ҳолатта ўтказиш учун зарур бўлган H_c -критик магнит майдони кучланганлигини топиш мумкин.

$H_0 < H_c$ шарт бажарилганда Мейсснер эффекти кузатилади. Бу ҳолда ўта ўтказгичнинг ичидаги магнит майдони индукцияси нолга тенг бўлади, яъни магнит майдони ўта ўтказгичнинг ичига сингмайди.

Цилиндрнинг бирлик ҳажмидаги магнит момент қуидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$M = \frac{H_0}{4\pi}. \quad (15.16и)$$

Агар ташки магнит майдони H_0 , dH_0 -га ўзгарса, ўтказгичнинг бирлик ҳажмида маълум қуидаги қийматта тенг бўлган иш бажарилади:

$$MdH_0 = \frac{H_0 dH_0}{4\pi} \quad (15.17и)$$

Магнит майдони O дан H_0 гача ўзгарса унинг бажарган иш қуидаги тенгдамага тенг бўлади:

Ушбу аникланган иш H_o магнит майдондаги ўта ўтказгичнинг эркин энергиясида йиғилган бўлади.

Агар ўта ўтказгичнинг эркин энергия зичлиги магнит майдони бўлмаганда F_{so} , бўлса, магнит майдонида эса қуидагига тенг бўлади:

$$F_{sh} = F_{so} + \frac{H_0^2}{8\pi} \quad (15.18i)$$

Ўта ўтказгич нормал ҳолатга ўтиши учун унинг эркин шергияси $F_{sh}=F_n$ бўлиши керак.

$$H_0 = H_c \text{ бўлганда, } F_n = F_{so} + \frac{H_c^2}{8\pi}. \quad (15.19i)$$

Бу срдаги H_c -параметрга критик термодинамик майдон ҳам дейилади.

Магнит энергия зичлигини (15.19и), ўта ток кинетик шергиясини (15.13) ва магнит майдони энергиясини ўтиборга олсан ((15.14и) ва (15.18и) ифодалар), унда ўта ўтказгичнинг тўла шергияси қуидаги тенглама ёрдамида аникланади:

$$\mathfrak{J}_m = \mathfrak{J}_{so} + \frac{1}{8\pi} \int [H^2 + \lambda^2 (rot H)^2] dV. \quad (15.20)$$

(15.20) ифодадаги интеграллаш ўта ўтказгичнинг бутун ҳажми олинича олиб борилади.

Системада термодинамик мувозанат содир бўлиши учун эркин энергия минимумга эга бўлиши керак.

Бунинг учун $H(r)$ га кичик вариация $\delta H(r)$ берамиз. Бу эса ўз шайбатида \mathfrak{J}_{sh} ни $\delta \mathfrak{J}_{sh}$ кийматга ўзгаришига олиб келади.

$$\delta \mathfrak{J}_m = \frac{1}{8\pi} \int (2H\delta H + 2\lambda^2 rot H rot \delta H) dV. \quad (15.21)$$

$\delta \mathfrak{J}_m$ қуидаги холда минимумга эга бўлади.

$$\delta \mathfrak{J}_{sh} = 0. \quad (15.22)$$

Агар қуидаги (15.23) айниятдан фойдалансак, (15.21) ва (15.22) тенгламаларнинг кўриниши ўзгариб (15.24) тенгламага колди.

$$aro tb = brota - div[ab], \quad (15.23)$$

$$\int [H + \lambda^2 (rot rot H)] \delta H dV - \int div[rot H, \delta H] dV = 0, \quad (15.24)$$

$$\text{Бу орда } - \int div[rot H, \delta H] dV = 0.$$

Үта ўтказгичнинг сиртидаги магнит майдон, яъни ташки магнит майдон $\delta H(r) = 0$ бўлади, унда қуийдаги ифодани оламиз:

$$\int [H + \lambda^2 (rot rot H)] \rho H dV = 0, \quad (15.25)$$

ушбу тенглик бажарилиши учун қуийдаги шарт амалга ошиши керак:

$$H + \lambda^2 rot rot H = 0. \quad (15.26)$$

Мазкур ифода Лондонларнинг иккинчи тенгламаси дейилади.

Агар $H = rot A$ шартдан фойдалансак, (15.27) ифодага эга бўламиз.

$$J_s = -\left(\frac{c}{4\pi r^2}\right) A. \quad (15.27)$$

(15.26) тенгламадан (15.27) тенгламага ўтиш, потенциал векторини Лондонлар ўтказган колибрковкадан фойдаланганда содир бўлади.

$$div A = 0. \quad (15.28)$$

$$A \cdot \vec{n} = 0. \quad (15.29)$$

A -магнит майдон бажарган ишга пропорционал бўлган вектор потенциали; n -ўта ўтказгич сиртига ўтказилган нормал вектор (15.28) ва (15.27) ифодалар узлуксиз, ўта ток ва унинг манбай йўклигини ифодалайдилар. (15.29) ифода эса ўта токнинг ўта ўтказгич сиртидан оқмаслигини кўрсатади. (15.8) ва (15.10) тенгламалардан фойдаланиб, (15.27) ифодани қуийдагича ёзиш мумкин:

$$J_s = -\left(\frac{c}{\Lambda}\right) A. \quad (15.30)$$

$$\Lambda = \frac{4\pi\lambda^2}{c^2}. \quad (15.31)$$

(15.30) ифодани ҳам Лондонларнинг бошқача кўринишдаги 2-тенгламаси деса бўлади.


Олинган натижалардан шундай хулосага келсак бўладики, ўта ўтказгич электр ва магнит майдонида жойлаштирилганда ундаги ўта ток зичлиги билан ташки майдонлар орасидаги қизиқли боғланиши мавжуд экан.

16. МАГНИТ МАЙДОНИНИНГ СИНГИШ ЧУҚУРЛИГИ

Лондонлар олган тенгламалардан фойдаланиб магнит майдонининг ўта ўтказгичга қандай қонуният асосида сингишини кўриб чиқамиз.

Фазода $X > 0$ бўлган муҳитда яъни ўта ўтказгич сирти $X = 0$ текисликка тўғри келадиган шароитда Z ўки бўйича H_0 магнит майдони йўналган бўлсин (16.1-расмга қаранг). Мазкур масалани счишда $\nabla^2 H = -\frac{d^2 H}{dx^2}$ бўлганлигини ва масала симметрия шароитида эканлигини эътиборга олиб, (15.26) тенгламадан фойдаланган ҳолда куйидаги ифодани оламиз:

$$\left(\frac{d^2 H}{dx^2} \right) - \frac{1}{\lambda} H = 0. \quad (16.1)$$



16.1-расм. Магнит майдонида жойлашган ўта ўтказгиччининг ($X > 0$ фазодаги) декарт координагалар системасидаги тасвири.

Ушбу тенгламани счишдаги чегаравий шартлар куйидагилар:

$$H(0) = H_0;$$

$$H(\infty) = 0.$$

(16.1) тенгламанинг ечимини қўйидаги кўринишда излаймиз:

$$H = H_0 e^{-x/\lambda}. \quad (16.2)$$

Ушбу ечим (16.1) тенгламани қаноатлантиради. H_0 -ўта ўтказгич

Мазкур олинган ечимдан шундай хуносага келса бўладики, магнит майдони ўта ўтказгичнинг ичига сингиши фақат маълум чукурликкача содир бўлар экан. Магнит майдони кучланганлигининг ўта ўтказгичга сингиш жараёнида e (2,715...) марта камайишини ифодаловчи катталикни кўрсатувчи белги λ -бўлиб, ҳар қайси модда учун ўзига хос қийматларга эгадир. λ -магнит майдонининг Лондон сингиш чукурлиги ҳам деб юритилади. Унинг қиймати кўйидаги формула орқали топилади:

$$\lambda = \left(\frac{mc^2}{4\pi e^2} \right)^{\frac{1}{2}}. \quad (16.3)$$

Мейсснер эфекти кузатилганда ҳам магнит майдони худди шундай чукурликкача сингади, яъни ўта ток факат шундай қалинликдан окади. Ҳакиқаттан ҳам, $j = \left(\frac{c}{4\pi} \right) rot H$ ифодани ясси геометрик ҳол учун ёзсан кўйидаги тенгламани оламиш:

$$j_s = \left(\frac{c}{4\pi} \right) \cdot \left(\frac{dH}{dX} \right). \quad (16.4)$$

Ушбу дифференциал тенгламага (16.2) формулада келтирилган ечимни қўйсан:

$$j_s = \left(\frac{cH_e}{4\pi\lambda} \right) \cdot e^{-\frac{x}{\lambda}}, \quad (16.5)$$

ифодага эга бўламиш.

Магнит майдонининг ўта ўтказгичга сингиш чукурлиги λ ни кўйидаги ифодага бўйсунган ҳолда ўта ўтказувчан электронларнинг ҳароратига боғлиқдир:

$$\lambda(T) = \frac{\lambda(0)}{\left[1 - \left(\frac{T}{T_e} \right)^4 \right]^{\frac{1}{2}}}. \quad (16.6)$$

(16.6) тенгламани чизма орқали ифодалаганда 16.3-расмда келтирилган графикка эга бўламиш. Чизмадан кўриниб турибдики, ҳарорат ошган сари лондон сингиш чукурлиги ҳам

орта боради ва ҳарорат критик кийматта эришганда у максимал кийматта эга бўлади.



16.2-расм. Массив ўта ўтказгичга магнит майдонининг сингишини ифодаловчи чизма. Сиртдаги магнит майдон H_0 га тенг.



16.3-расм. Магнит майдонининг сингиш чукурлиги λ нинг ҳароратга боғланишини ифодаловчи чизма.

Баъзи бир ўта ўтказгичларда магнит майдони сингиш чукурлигининг қийматлари 16.1-жадвалда акс эттирилган.

16.1-жадвал

Ўта ўтказгич	<i>Al</i>	<i>Gd</i>	<i>Hg</i>	<i>In</i>	<i>Nb</i>	<i>Pb</i>	<i>Sn</i>	<i>Tl</i>	<i>NbN</i>
$\lambda(0), \text{Å}$	500	1300	380+450 анизотроп	640	470	390	510	920	2500

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, λ нинг энг кичик қиймати кўрошин учун, энг каттаси эса нитрид ниобий бирикмаси учун экан. Мисол сифатида сингиш чукурлиги билан боғлик бўлган қуидаги масалани кўриб чиқамиз.

Масала: Ўта ўтказгичдаги электронлар концентрацияси $n_s = 10^{20} \text{ см}^{-3}$ тенг бўлгандаги ва ҳарорат $T = 0$ бўлган ҳол учун лондон сингиш чукурлигини аниқланг.

$m \approx 10^{-27} \text{ гр}; c \approx 3 \cdot 10^{10} \text{ см/с}; e = 4,8 \cdot 10^{10} \text{ абс. бирлик.}$

Жавоби: $\lambda(0) \approx 2500 \text{ Å}$.

17. ЎТА ЎТКАЗУВЧАН КВАНТ ИНТЕРФЕРОМЕТРЛАР


Биз мазкур параграфда ўта ўтказувчан квант интерферометрларининг асосий ишлаш принциплари билан танишамиз.

Ушбу содда конструкцияга эга бўлган ўта ўтказувчан қурилмалар паст ҳароратлардаги ўлчовларда янги истиқболларни намоён қилди. Улар ёрдамида сезгирилиги 10^{-11} Гс бўлган магнитометрлар, сезгирилиги 10^{-15} В бўлган вольтметрлар ва бошка ўта юқори сезгириликка эга бўлган асбоблар тайёрлаш мумкин бўлди. Ҳеч шубҳа йўкки, якин келажакда бундай қурилмаларнинг қўлланилиш соҳалари янада кенгаяди.

Сквидлар икки хил тиپда бўлади - икки контактли сквид ёки ўзгармас токдаги сквид ва бир контактли сквид ёки юқори частотали сквид.


Икки контактли сквид ҳақида сўз кетганда бундай қурилмаларга оддий иккита Жозефсон ўтишларининг паралелл

улангани киритилган. Уланиш массив үтә-үтказгичлар ёрдамида амалга оширилади, унда a ва b Жозефсон үтишлари биргаликда берк контур (халқа) ичидә жойлашган булади. Биз ушбу интерферометр ҳалқа ичидә жойлашған қурилмадаги максималь диссиапативсиз ток (I_{max}) тұла магнит оқими кийматига (Φ) қандай боғланишда бўлишини кўриб чиқамиз.



17.1-расм. Иккита параллел уланган үтә үтказувчан Жозефсон үтиш a ва b – үтә үтказувчан интерферометр. СКВИД көвагига мәтпум магнит оқими Φ , киритилган.

A SQUID (Superconducting Quantum Interference Device) is the most sensitive type of detector known to science. Consisting of a superconducting loop with two Josephson junctions, SQUIDs are used to measure magnetic fields.



17.2-расм Юкори хароратли ўта ўтказгичлар асосида тайёрланган СКВИДнинг намунавий куриниши. Унда ўта ўтказгич, Жозефсон контакти, кучланиш ва ток тармоқлари ҳамда магнит майдони куч чизикларининг ўзаро жойлашуви кўрсатилган.

Ҳалка ичидаги a ва b ўтишларга яқин бўлгая (1,2) ва (3,4) жуфтлик нуқталарни ажратамиз; уларни 17.1 — расмда кўрсатилганидек пунктир чизиги билан бирлаштирамиз. (17.1) ифодани 1 нуқтадан 3 гача ва 4 нуқтадан 2 гача умумлаштирилган импульси учун интеграллаймиз. Натижада кўйидаги ифодани оламиз:

$$\theta_3 - \theta_1 + \theta_2 - \theta_4 = \frac{2e}{c} \left[\int_1^3 \vec{A} d\vec{l} + \int_4^2 \vec{A} d\vec{l} \right]. \quad (17.1)$$

Бунда $2m\vartheta$, кўшилувчи ташлаб ёзилди, чунки пунктирли контурдаги ҳамма нуқталар чегарадан узок бўлган ўта ўтказгич соҳасидан ўтади. У ерда ўта ток йўқ ва $\vartheta_1 = 0$ булади, 1 ва 2 ҳамда 3 ва 4 нуқталар орасидаги масофалар пунктирли контур узунлигидан кичик бўлганлиги сабабли, вектор потенциал \vec{A} эса Жозефсон ўтишлари якинида хусусиятларга эга бўлмаганлиги учун (17.1) ифоданинг ўнг қисмини 3 — 4 ва 2—1 бўлаклар интеграллари билан яна тўлдириш мумкин. Натижада кўйидагини оламиз.

$$\varphi_a - \varphi_b = \frac{2e}{\hbar} \oint \vec{A} \cdot d\vec{l},$$

яьни

$$\varphi_a - \varphi_b = \frac{2\pi\Phi}{\Phi_0}, \quad (17.2)$$

бу ерда Φ — интерферометр халқаси ўз ичига олган тұла магнит оқими,

$\varphi_a = \theta_2 - \theta_1$, $\varphi_b = \theta_4 - \theta_3$, $\Phi_0 = \frac{\pi\hbar}{c}$ — магнит оқими кванди.

$I_a(\varphi) = I_c \sin \varphi$ ифодада асосан, a ва b лар ўтишдаги токлар күйидагича бұлады:

$$I_a = I_c \sin \varphi_a,$$

$$I_b = I_c \sin \varphi_b.$$

Биз тасаввур этамизки, иккала ўтиш хам бир хил бўлиб, улардаги критик токлар хам бир хил, унда интерферометр орқали тұла ток I_a ва I_b лар йигиндисига тенг:

(17.3)

$$I = I_c (\sin \varphi_a + \sin \varphi_b),$$

$\sin \varphi_a + \sin \varphi_b = 2 \sin \left[\frac{(\varphi_a + \varphi_b)}{2} \right] \cos \left[\frac{(\varphi_a - \varphi_b)}{2} \right]$ эканлиги ва (17.2) ифодадан фойдаланиб, (17.3) ифодани күйидаги күринишда үзартырамиз:


$$I = 2I_c \cos \frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \sin \left(\varphi_b + \frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \right). \quad (17.4)$$

Интерферометр халқа орқали берилған тұла магнит оқими Φ ягона параметри φ_b бўлған интерферометрнинг берилған тұла токи I (17.4) ифодага мувофик оқади. Бундан интерферометрнинг максимал диссиапативсиз токи күйидагича күринишдаги ифодага тенг бўлади:

$$I_{max} = 2I_c \left| \cos \left(\frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \right) \right|. \quad (17.5)$$

Мазкур I_{max} катталиктининг Φ параметрга боғланиши 17.3-раемда келтирилған.

A SQUID (Superconducting Quantum Interference Device) is the most sensitive type of detector known to science. Consisting of a superconducting loop with two Josephson junctions, SQUIDs are used to measure magnetic fields.



17.2-расм Юкори хароратли ўта ўтказгичлар асосида тайёрланган СКВИДнинг намунавий кўриниши. Унда ўта ўтказгич, Жозефсон контакти, кучланиш ва ток тармоқлари ҳамда магнит майдони куч чизиқларининг ўзаро жойлашуви кўрсатилган.

Ҳалқа ичидаги иккита a ва b ўтишларга яқин бўлган (1,2) ва (3,4) жуфтлик нукталарни ажратамиз; уларни 17.1 — расмда кўрсатилганидек пункттир чизиги билан бирлаштирамиз. (17.1) ифодани 1 нуктадан 3 гача ва 4 нуктадан 2 гача умумлаштирилган импульси учун интеграллаймиз. Натижада қўйидаги ифодани оламиз:

$$\theta_3 - \theta_1 + \theta_2 - \theta_4 = \frac{2e}{c} \left[\int_1^3 \vec{A} d\vec{l} + \int_4^2 \vec{A} d\vec{l} \right]. \quad (17.1)$$

Бунда $2m\bar{\theta}$, қўшилувчи ташлаб ёзилди, чунки пункттирли контурдаги ҳамма нукталар чегарадан узок бўлган ўта ўтказгич соҳасидан ўтади. У ерда ўта ток йўқ ва $\bar{\theta} = 0$ бўлади, 1 ва 2 ҳамда 3 ва 4 нукталар орасидаги масофалар пункттирли контур узунлигидан кичик бўлганлиги сабабли, вектор потенциал \vec{A} эса Жозефсон ўтишлари яқинида хусусиятларга эга бўлмаганлиги учун (17.1) ифоданинг ўнг қисмини 3 — 4 ва 2 — 1 бўлаклар интеграллари билан яна тўлдириш мумкин. Натижада қўйидагини оламиз.

$$\varphi_a - \varphi_b = \frac{2e}{\hbar} \int \vec{A} \cdot d\vec{l},$$

яъни

$$\varphi_a - \varphi_b = \frac{2\pi\Phi}{\Phi_0}, \quad (17.2)$$

бу ерда Φ — интерферометр ҳалқаси ўз ичига олган тұла магнит оқими,

$\varphi_a = \theta_2 - \theta_1$, $\varphi_b = \theta_4 - \theta_3$, $\Phi_0 = \frac{\pi\hbar}{c}$ — магнит оқими кванти.

$I_s(\varphi) = I_c \sin \varphi$ ифодага ассоан, a ва b лар ўтишдаги токлар қуийдагича бўлади:

$$I_a = I_c \sin \varphi_a,$$

$$I_b = I_c \sin \varphi_b.$$

Биз тасаввур этамизки, иккала ўтиш ҳам бир хил булиб, улардаги критик токлар ҳам бир хил, унда интерферометр орқали тұла ток I_a ва I_b лар йигиндисига тенг:

$$I = I_c (\sin \varphi_a + \sin \varphi_b), \quad (17.3)$$


$\sin \varphi_a + \sin \varphi_b = 2 \sin \left[\frac{(\varphi_a + \varphi_b)}{2} \right] \cos \left[\frac{(\varphi_a - \varphi_b)}{2} \right]$ эканлиги ва (17.2) ифодадан фойдаланиб, (17.3) ифодани қуийдаги күринишда ўзgartирамиз:

$$I = 2I_c \cos \frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \sin \left(\varphi_b + \frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \right). \quad (17.4)$$

Интерферометр ҳалқа орқали берилған тұла магнит оқими Φ ягона параметри φ бўлган интерферометрнинг берилған тұла токи I (17.4) ифодага мувофик оқади. Бундан интерферометрнинг максимал диссиапативсиз токи қуийдагича күринишдаги ифодага тенг бўлади:

$$I_{max} = 2I_c \left| \cos \left(\frac{\pi\Phi}{\Phi_0} \right) \right|. \quad (17.5)$$

Мазкур I_{max} катталикнинг Φ параметрга боғланиши 17.3-расмда келтирилген.




17.3-расм. Икки контактли интерферометрдаги максимал токнинг унинг ҳалқасидаги тұла магнит оқимига бөгланиши.

Чизмадан күриниб турибдики, ташқи ток I га нисбатан энг турғун ҳолат бу қачонки интерферометр орқали тұла магнит оқим Φ_0 - оқимнинг квантлари бутун сонга тент бұлса, қачон Φ ярим сонларға teng бўлса, бу ўта ўтказувчан ҳолатни турғун бўлмаслигига олиб келади, яъни интерферометрга жуда кичик ток I қўйилганда асбоб резистив ҳолатта ўтади ва вольтметр интерферометрдаги кучланишни сезади. Φ - интерферометрдаги тұла ток, ғалтак ҳосил қылган оқим эса Φ_e улар куйидагича бөгланган:

$$\Phi = \Phi_e - L \cdot I_3,$$

бу ерда L —интерферометр ҳалқасининг коррективлиги, I_3 — интерферометрдан оқаёттан экранловчи ток. Интерферометрнинг критик токи Φ_e / Φ_0 нисбатта даврий бөгланган. Ушбу бөгланиш 17.3 расмда келтирилган.



17.3-расм. Икки контактли сквид критик токининг $\beta = \frac{2l_0}{\Phi_0}$

катталиктининг турли қийматларига ташқи магнит майдони оқими боғланиши.

Икки контактли сквид ниҳоятда юкори сезгирилника эга бўлган асбоб сифатида, яъни кузатилаётган катталик ўзгаришини магнит оқими ўзгаришига айлантириш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли кўпгина жойларда фойдаланилиши мумкин.

Агар ўлчов вақти 1 секунддан кичик бўлса, унда назарий хисоб-китобларга асосан сезгирилк чегараси Жозефсон ўтиши билан аникланадиган қиймат, яъни бир неча $10^{-5}\Phi_0$ бирликка тенг бўлади. Бу эса, $10^{-10}-10^{-11}$ Гаусс тартибдаги магнит майдони ўзгаришини сезиш имкониятини пайдо бўлишини кўрсатади. Солишириш мақсадида Ернинг магнит майдони қиймати 0,5 Гаусс атрофида эканлигини келтирамиз.

18. ЎТА ЎТКАЗУВЧАНЛИКНИНГ МИКРОСКОПИК НАЗАРИЯСИ ЭЛЕКТРОН-ФОНОН ЎЗАРО ТАЪСИР

Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси узок давом этган илмий изланишлардан сўнг фақат 1957 йилдагина, яъни яратилганидан 46 йилдан сўнг назарий асосга эга бўлди. Бу жаҳоншумул назарий бир бирлари билан боғланмаган ҳолда Ж.Бардин, В.Купер ва Ж.Шриффер⁵ тамонларидан яратилди. Бу назария муаллифлар фамилиясининг бош ҳарфларидан ташқил топган кисқача "БКШ назарияси" деган ном билан машҳурдир.



Дж.Бардин



Л.Купер



Дж.Шриффер

Маълумки, электр токи оқимининг ҳосил бўлиши ўтказувчан электронларнинг тартибли ҳаракати туфайли содир бўлади. Ушбу механизм ўта ўтказгичларнинг ўтказувчанлигини тушунтиришда ҳам қўл келади. БКШ назариясида эса электр токининг оқими ўтказувчан электронларнинг иккита-иккитадан бўлиб жуфтлашган ҳолдаги ҳаракатига асосланган. Жуфтлашини электронларнинг кристалл панжара тебраниш тўлқинлари

⁵ 1957 йилда америкалик уч олим (John Bardeen, Leon Cooper, John Schrieffer) биринчи бўлиб, илм аҳли томонидан ўта ўтказувчанлик назарияси, яъни «БКШ назарияси» деб қабул килинган тўлаконли мақолани ўзлон килишди.

Ж.Бардин, Л.Купер ва Ж.Шриффер ўтказувчанлик ҳодисасини Купер жуфтлари орқали тушунтира оладиган назария яратганларни учун 1972 йилдаги физика соҳасида Нобель мукофотилан тақдирландилар.

(фононлар) билан ўзаро таъсирлашиши натижасида содир бўлади. Бу электрон жуфтларнинг импульслар йигиндиси нолга тенг. Электронлар жуфтлашганда уларнинг умумий энергияси намойишни биринчи бўлиб А.Купер кўрсатган. Шунинг учун бу электрон жуфтлар Купер жуфтлари деб ҳам аталади.

Назариётчилар олдида накадар мураккаб муммони ечиш турғанигини аниқроқ тасаввур этиш мақсадида куйидаги бихолашни келтириш мумкин.

Маълумки, 1 cm^3 ҳажмдаги нормал ва ўта ўтказувчан қолатдаги металлнинг эркин энергиялар фарки $H_c^2/8\pi \sim 10^5 \text{ эрг}/\text{cm}^3$ кийматни ташкил этади. Агар $H_c \sim 10^3$ эрг. 1 cm^3 ҳажмдаги ўтказувчан электронлар сони $\sim 10^{22}$ тани ташкил этса, ўта ўтказувчанлик ҳодисаси учун масъул энергиянинг киймати $\sim 10^{-5} \text{ эрг}$ эканлигини келтириб чиқариш мумкин. Ушбу энергияни Кулон ўзаро таъсир энергияси $\sim 1 \text{ эВ}$ билан солиширганда, у широ Кулон таъсир энергиясига нисбатан $\sim 10^5$ марта кичик турғанигини кўрамиз. Ўта ўтказувчанлик ҳодисаси учун масъул энергия кулон энергиясига нисбатан $\sim 10^5$ марта кичик бўлишига карамасдан ушбу энергия ўта ўтказувчанлик ҳодисасининг ишмоён бўлишида асосий вазифани бажаради.

Нормал металл хоссалари ифодаланганда ўта ўтказувчанлик учун масъул бўлган электронларнинг энергияси кулон энергиясига нисбатан жуда кичик бўлганилиги сабабли уни ўтиборга олмаса ҳам бўлади.

Юкорида эслатганимиздек ўта ўтказувчанлик ҳодисаси ишмоён бўлишида масъул бўлган электронларнинг ўзаро таъсир энергияси кулон энергиясига нисбатан жуда кўп марта, яъни 10^9 марта кичик экан.

Олимлар олдида катта бир муаммо пайдо бўлди, бу ҳам Пулош, ўта ўтказувчанлик ҳолатини юзага келтирувчи энергия, булош энергиясига нисбатан шунчалик кичик бўлишига сабаб ишми экан? - деган саволга жавоб топиш муаммоси.

Мизкур масалани ечишда, йўналитирунчи куч сифатида ўтказувчанликларда кузатилган изотоп эффекти хитмит килини. Бир хил металларнинг ҳар хил изотоплари учун ўзни кос тури T_c притик ҳарорат мос келиши аниқланди.

Мазкур бөгланиш күйидаги ифодага буйсунадиган конунийтта мос келиши ҳам аникланди:

$$T_c M^a = \text{const},$$

бу ерда, $a \approx 0.5$ (күпгина элементар учун). Бундан маълум бўлдики, ионли панжаранинг роли ўта ўтказувчанлик ҳодисаси учун сезиларли булиб, муҳим аҳамиятта эга экан.

Кейинги назарий изланишлар шуни кўрсатдик, электронлар ва кристалл панжаралар тебранишлари орасидаги ўзаро таъсир электронлар орасидаги қўшимча ўзаро таъсирни юзага келтирадар экан.

Маълум шароитларда ушбу ўзаро таъсир электронлар орасидаги тортишувни юзага келтиради. Агар мана шу ўзаро таъсир электронлар тортишуви кулон итариш кучларига нисбатан кучли бўлса, ўта ўтказувчанлик ҳодисаси намоён бўлади.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида электронларини кристалл панжара тебранишлари орқали ўзаро таъсирни кўриб чиқамиз. Яъни электронлар орасидаги тортишув ҳодисаси фононлар билан баглиқ эканлигини кўрсатамиз.

Сизларга маълумки, кристалл панжара тебраниш квантлари фононлар $\hbar\omega$ энергия ва тўлкин функция вектори \vec{q} билан характерланади.

Ҳарорат $T=0$ бўлган шароитдаги металларда содир бўладиган жараёнларни кўриб чиқамиз. Маълумки ҳарорат нолга тенг бўлганда ҳеч қандай фононлар бўлмайди. Ундай бўлса электронлар орасидаги ўзаро тортишув ҳодисаси фононлар орқали қандай юзага келади?


Биринчи тартибли ўзаро таъсир ҳақида фикр юритганимизда биз биламизки, кристалл буйлаб тўлкин вектори \vec{k}_1 бўлган эркин электрон тарқалса, маълум бир вақтда у панжарада тебранишни юзага келтиради. Бошқача қилиб айтганда, шу пайтда фонон чиқаради (Мазкур пайттacha фонон йўқ эди, яъни $T=0$) ва ушбу электрон \vec{k}_1 ҳолатга ўтади. Ҳосил бўлган (пайдо бўлган) фононнинг тўлкин векторини \vec{q} деб белгилаймиз. Бу ерда ҳам импульснинг сақланиш қонуни бажарилади, яъни:

$$\vec{k}_1 = \vec{k}_1' + \vec{q}$$


Буни 18.1-расмда келтирилган диаграмма күринишида ифодалаш мүмкин.

Худди ўша пайтнинг ўзида пайдо бўлган фононнинг иккинчи тартибли ўзаро таъсирни ифодаламоқчи бўлсак, унда кудди шу фонони пайдо бўлган вактда бошқа бир тўлкин вектори \vec{k} , бўлган бошқа бир электронга ютилади ва ушбу тўкнашишдан сўнг ушбу электрон \vec{k}' ҳолатга ўтади.

Демак, аввал тўлкин векторлари \vec{k} ва \vec{k}' , бўлган иккита электрон бор эди, юкорида келтирилган ўзгаришлардан сўнг ушбу электронлар \vec{k} ва \vec{k}' ҳолатларга ўтди. Яъни \vec{k} ва \vec{k}' электронларнинг бир-бирига нурланиши содир бўлди. Буни 18.2-расмдаги диаграмма күринишида ифодалаш мүмкин.



18.1-расм. \vec{k} , тўлкин векторига эга бўлган электроннинг \bar{q} фонон ҳосил килиб, \vec{k}' ҳолатга ўтишини ифодаловчи диаграмма.



18.2-расм. $\hbar\vec{q}$ импульсли фононни чиқариш ва уни ютиш орқали иккита электроннинг ўзаро таъсирилашувини (жуфтлашувини) курсатувчи диаграмма.

Ушбу ўзаро таъсириning математик ифодаси эса, куйидаги кўринишда бўлади:


$$\vec{k}_1 + \vec{k}_2 = \vec{k}_1' + \vec{k}_2'$$

Мазкур кўринишдаги иккита зарранинг ўзаро нурланиши факат улар ўзаро таъсирилашган ҳолдагина содир бўлади.

Ушбу ўзаро таъсириning ишораси мұхокамасига ўтамиз. Электроннинг k_i ҳолатдан k_i' ҳолатта ўтишида электронлар зичлигининг $\omega = \frac{\tilde{\epsilon}_{k_i} - \tilde{\epsilon}_{k_i'}}{\hbar}$ частотали тебраниши содир бўлади, бу ерда $\tilde{\epsilon}_{k_i}$ ва $\tilde{\epsilon}_{k_i'}$ катталиклар k_i ва k_i' ҳолатлардаги электронларнинг ўртача энергияси, яъни умумий ҳолда $\tilde{\epsilon}_i = \frac{\hbar\vec{k}^2}{2m}$ кўринишга эга.

Электронларнинг мазкур ҳолдаги ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлғай зичлик тебранислари электронлар зичлигининг шу жойдаги локал кўпайишига олиб келувчи тасаввурга эга бўлиши мумкин. Ионларнинг массаси электронларга нисбатан

каталигини эътиборга олсак уларнинг шу жойга тортила бошлашини кузатиш мумкин. Ушбу жараён, ҳаттоти ортиқча электронлар компенсациялашгандан сўнг ҳам давом этади, яъни ионлар ўзларининг бошлангич характеристарини давом эттиришади, яъни қайта компенсацияланиси содир бўлади. Энди бу ерда ортиқча мусбат заряд пайдо бўлди ва k_1 импульсли иккинчи зарра шу жойга тортила бошлайди. Шундай килиб k_1 ва k_2 зарралар орасида ўзаро эффектив тортишув ҳосил бўлади. 18.3-расмда кристаллдаги ионлар электронларга тортилиши ва бу ўз навбатида ионларнинг ўзаро тортишувига олиб келиши акс эттирилган.



18.3-расм. Кристаллар ионларининг электронга тортилиши ва бу жараённинг ўзи, ўз навбатида ионларнинг ўзаро тортишувига олиб келишини акс эттирувчи чизма.

Ушбу ўтказилган мулоҳазадан шундай хulosага келса бўлади, яъни панжара тебраниш фазаси мажбур этувчи куч фазаси билан бир хил бўлган ҳолдагина бундай ўзаро тортишув содир бўлади. Электрон зичликларининг тебраниши $\omega = \frac{\bar{e}_k - \bar{e}_L}{\hbar}$ частотада содир бўлади. Бу эса факат мажбур этувчи куч частотаси ω ионлар системасининг хусусий частотасидан кичик

бўлган ҳолдагина содир бўлади. Бундай характерли частота Дебай частотасидир ω_0 , яъни максимал бўлиши мумкин бўлган частота⁶. Шунинг учун тортишиш шарти $\omega < \omega_0$ кўринишида ифодаланади.

Ҳакиқатан ҳам, мажбур этувчи куч $f \cdot e^{i\omega t}$ сезувчи массаси та ва тебраниш хусусий частотаси ω_0 бўлган содда осцилляторни кўриб чиқамиз. Бундай системанинг ҳаракат тенгламаси:


$$\ddot{x} + \omega_0^2 x = \frac{f}{m} e^{i\omega t}$$

кўринишида бўлади. Бундай тенгламанинг ечимини $x = x_0 \cdot e^{i\omega t}$ кўринишида излаймиз. Ушбу ифодани тенгламага кўйи $x_0 = \frac{f}{\omega_0^2 - \omega^2}$ ифодани оламиз. Бундан шу келиб чиқадики, $\omega^2 < \omega_0^2$ бўлгунга кадар $x = x_0 \cdot e^{i\omega t}$ кўринишдаги тебраниш мажбур этувчи куч f нинг фазасида содир бўлади. Тескари бўлган ҳолди тебраниш тескари фазада содир бўлади.

Энди яна электронларга қайтамиз. Электроннинг ҳолатдан k ҳолатта ўтиши учун ушбу ҳолат Паули принципи асосан бўш бўлиши керак. Бундай ҳолат эса биз тасаввур этандек k -фазода k , радиусли сфера кўринишида Ферми сиртиякинида бўлиши мумкин.

Энди биз БКШ назарияси асосида ётувчи электронларни фононлар орқали ўзаро таъсир конунларини ифодалашим мумкин: Ферми сиртидаги электронлар энергиясидан $\hbar\omega_n$ дагатта бўлмаган қийматларга энергиялари фарқ киладиги электронларгина бир-бирига тортилади. Ушбу электронларни ўзаро таъсир энергияси $-V$ га teng. Бошқа барча электронларни ўзаро таъсирлапмайди.

⁶ Кристалдаги атомларнинг чегаравий тебраниш частотаси мавжудлигини осон тушуниш мумкин: кристалларда кристалл панжара давридан кичик қийматта эга бўлган товуш тўлкини хақида гапириш маънога эга эмас. Шундай килиб, минимал тўлкин узузлигингининг мавжудлиги равшан. Ундан дархол чегаравий частота мавжудлиги кеми



18.4-расм. БКШ модели буйича фононлар орқали Ферми сирти яқинидаги $2\Delta k$ катламдаги электронларгина ўзаро таъсирилашини курсатувчи чизма.

Электронларнинг ўзаро таъсир матрица элементини кўйидаги кўринишда ёзамиш:

$$V_{kk'} = \begin{cases} -V, & |\bar{\varepsilon}_k - \varepsilon_{k'}| \leq \hbar\omega_D, \\ 0, & |\bar{\varepsilon}_k - \varepsilon_{k'}| > \hbar\omega_D, \end{cases}$$

Шундай қилиб, БКШ моделида Ферми сирти яқинидаги мумкинлиги $2\Delta k$ бўлган Дебай энергиясига мос келувчи тор сферик катламда мавжуд бўлган электроиларгина бир-бирига тортилади (18.4-расмга қаранг). Бу ерда:

$$\frac{\Delta k}{k_F} = \frac{\hbar\omega_D}{\varepsilon_F}, \quad \varepsilon_F = \frac{\hbar^2 k_F^2}{2m}.$$

10. УТА ЎТАКАЗГИЧЛАРДАГИ ТУННЕЛЛИ ҲОДИСАЛАР

Туннеланиш тажрибаларидан энергетик тиркишни аниқлаш мумкинлигини И.Гевер (1961 й.) айтди. Ушбу усул ёрдамида нюргистик тиркишни аниқлашдан ташкари кўпгина фойдали меъдунотлар олиш имконининг борлиги сабабли у билан көвсюнок таниппамиз.

Ушбу усул ёрдамчи намуна ва тадкик қилинаёттган ўта-үтказгични ажратиб турувчи юпқа ўтказмас қатlam орасидаги туннел токни кузатишга асосланган. Бундай курилма схематик рaviшда 19.1-расмда күрсатилган. Иккита металл ўтказгич, масалан алюминий плёнкалари бир —биридан изолятор қатлами (масалан Al_2O_3) билан ажратилган бўлсан. Алюминий оксиди жуда яхши изолятордир, унда эркин электронлар йўқ⁷. Шунинг учун бу изоляция катламидан ток ока олмайди. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, агар изолятор қатlam етарлича юпқа бўлса, унда электр токи жуда катта бўлмаса ҳам ундан окиши мумкин экан. Электронлар барьер орқали (барьер изолятор катlam) агар уларнинг энергияси уни енгигб ўтиш учун етарлича катта бўлмаса ҳам ўтиши мумкин. Барьер орқали электронлар сингиб ўтади, худди туннел орқали ўтгандек. Шунинг учун ҳам бундай ток «туннелли ток» дейилади.


“Туннелли ток” катта аҳамиятта эга бўлганлиги сабабли, уни кенгрок мухокама қиласиз. Туннел контактининг уч кисми учун Ферми сирти якинидаги энергия соҳаларда жойлашган таъкиланган ва рухсат этилган соҳалар схематик кўрсатилган.

Узлуксиз вертикал йўлакча билан рухсат этилган энергиялар зонаси белгиланган. Штрих билан тўлдирилган зона кўрсатилган. Тўлдирилишнинг иссиқлик таъсирида ёйилиши (емирилиши) ҳам кўрсатилган. Изолятордаги рухсат этилган ва тўлдирилмаган энергиялар сатхларининг энг яқин қийматлари етарлича баландда жойлашган.

Бундай энергетик схемадан, электрон изоляторга факат унинг энергияси энг камида изолятордаги рухсат этилган зоналарнинг энг пастки қийматига мос келгандагина кириши мумкиндек туюлади, қалин қатламли изоляторлар учун бу тасдиқ тўғри. Агар изолятор етарлича юпқа, масалан ҳаммаси бўлиб факат йигирма атом қатламига яқин қалинликда бўлса, унда,

⁷ Аникрок қилиб айтсак Al_2O_3 да рухсат этилган энергиялар зонаси тўлалигича тўлдирилган, энг яқин ундан кейингиси рухсат этилмаган энергиялар соҳаси билан ажратилган ва бўш бўлади. Эркин электронлар факат кисман тўлдирилган зоналарда бўлиши мумкин, Al_2O_3 да эркин электрон бўлиши учун у бунинг учун етарлича энергия олиши керак, бунинг учун эса реал бўлмаган юкори ҳарорат зарур. Бошқа сўзлар билан айтганда, нормал шароитда, иссиқлик мувозанатида бўлганда эркин энергетик зонада электронлар бўлмайди.

металл электронлари изоляцияловчи ораликни изолятонинг тўлдирилмаган зонаси куйи сатҳи энергияларида ҳам ўтиш чегаравий эҳтимоллигига эга. Ушбу ҳолда, худди эслаттанимиздек, электрон баръер орқали туннелланади олади дейишади.



19.1-расм. а- туннел токини ўлчаш схемаси. б- рухсат этилган энергиялар қиймати акс эттирилган (корайтирилган соҳа) ва уларнинг тўлдирилгани (штирхланган)

Агар туннелли ҳодисанинг тўлкинли характерга эга эканини эсласак, ҳисоб китобсиз ҳам туннелланиш ҳодисасини тушиниш мумкин. Масалан, тўлкин унга синга олмайдиган қандайдир бир мухит чегарасига тушса, унда у тўла қайтиши керак⁸. Маълумки, тўлкин ҳар ҳолда таъқиқланган соҳага секин сингади, худди ушбу мухитга сингиш мумкинлигини текширишни амалга оширгандек. Бунда унинг амплитудаси экспоненциал сунади, унинг энергияси ва мухитдаги рухсат этилган энергиялар орасидаги фарқ қанча катта бўлса ёки бошқача айтганда энергетик баръер қанча баланд бўлса⁹, ушбу ҳодиса шунча тезроқ содир булади. Бундай хомаки сифатий мухокама ҳам жуда юпқа баръерлар учун баръернинг бошқа томонида тўлкиннинг кузатиш чегаравий эҳтимоллиги

⁸ Бундай тўла қайтиш ҳоли, маълум бир тушиш бурчаклари интервалида ёрутлик тўлкиннинг катта оптик зичликли мухитдан кичик оптик зичликли мухитга ўтишида амалга ошиши мумкин (масалан шишадан хавога).

⁹ Таъкидланган зиёғимиздан соҳасина тўвкин механикаси тўвкинга мос келгачи

борлигини курсатади, ушбу ҳолда, туннелланишнинг содир бўлиши учун барьернинг қалинлиги тўлқиннинг таъқиқланган соҳадаги сўниш узунилиги билан солиштириладиган даражадаги кийматда бўлиши керак.

Унда барьернинг бошқа томонида чегаравий амплитуда пайдо бўлади ва тўлқин яна рухсат этилган соҳада бўлади. Ҳа, амплитуда бу ерда жуда кичик ва бу барьер қалинлигини оширишда зарранинг сингиш эҳтимоллиги амплитуданинг камайишига мос равишда тез камаяди. Аввал қайд этилганидек, барьернинг ошиши билан сўниш кўпаяди, зарранинг туннелланиш эҳтимоллиги барьер баландлиги билан унинг кенглигининг кўпайтмасига bogliq¹⁰.

Тажрибада биз электронлар, яъни Ферми - зарралари билан иш кўрамиз, улар учун Паулининг тақиқлаш принципи бажарилади. Электроннинг барьердан ўтиши учун барьернинг бошқа томонида буш ҳолат бўлиши керак. Агар ҳамма ҳолатлар банд бўлса, унда жуда юпқа барьерлар бўлганда ҳам ўтиш бўлмайди. Шундай килиб, барьер орқали зарраларнинг сингиши учта катталикка боғлиқ:

1. Барьерга яқинлашган электронлар сонига,
2. Барьер орқали туннелланиш эҳтимоллигига.
3. Барьернинг бошқа томонидаги буш ҳолатлар сонига.

Ушбу учта катталик электронларнинг туннел токини ифодалашда иштирок этиши керак.

19.1-расмда туннел контактининг ташки кучланиш бўлмагандаги ҳолати курсатилган. Агар электронлар бир системадан бошқасига ўта олса, унда мувозанат ҳолат Ферми сатхлари тенглашган шароитда содир бўлади. 19.1б – ва 19.2а-расмларда Ферми сатхлари горизонтал чизиқ билан курсатилган. Бу ҳолда зарраларнинг суммавий алмашинуви нолга teng, яъни ўнг томондан канча электронлар чап томонга ўтса, чапдан ҳам шунчаси ўнг томонга ўтади^{11, 12}.

¹⁰ Барьернинг энергетик баландлигини зарра энергиясидан бошлаш керак, яъни бизнинг ҳолда аник E_F дан бошлаб (19.1(б)- расмдагидек).

¹² Бизнинг симметрик туннел контакт ҳолимиз учун бу мувозанат шартини осон тушуниш мумкин. У умумий ҳолда ҳам тўғридир, асосан ҳар қандай моддалар электронлари алмашинуви бўлганда ҳам тўғридир.


Берилган системага нолдан фарқли $U \neq 0$ кучланиш берилса, амалда бу кучланиш изолятор қатламига күйилгандек бўлади. Бу эса изоляцияловчи қатламнинг ўнг ва чап томонларидағи Ферми сатхлари eU га фарқ қиласи дегани. Энди туннел токи ҳар икки йўналишда ҳам бир - бирини компенсацияламайди ва натижавий ток ҳосил бўлди.

Ток қийматини изоляторда (баръерда) ҳосил бўлган кучланишга боғланиш жараённинг ҳолатлар зичлиги ёрдамида акс эттирилганини 19.2-расмдаги тасвиридан кўриш мумкин.


Эркин электронлар моделида, биз ҳолатлар зичлигини тўғридан-тўғри Ферми энергияси яқинида худди амалда ўзгармас катталиқдек деб қарашимиз мумкин. Ушбу чизмада туннел контактининг $U=0$; $U=U_1$ ва $U=U_2 > U_1$ кучланишлардаги схемаси келтирилган. Ҳолатларнинг тўлдирилиши штрих билан кўрсатилган. Соддалаштириш мақсадида ҳарорат $T=0$ деб олинган. Электронлар энергияси, худди манфий зарядланган зарралардек манфий зарядларга нисбатан мусбат томонда кам бўлади. Унда чап томондан ўнг томонга, ўнт томондан чап томонга нисбатан кўп электронлар туннеллана бошлайди, бу эса электр токининг оқишини кўрсатади (чизмада стрелка билан кўрсатилган). Биз ҳолат зичлигини доимий катталик деб ҳисоблаганимиз сабабли, унда чап томондан ўнг томонга туннелланадиган электронлар сони кучланишга пропорционал ўсади. Ўз навбатида натижавий туннел токи ҳам кўйилган кучланишга пропорционал равишда ўсади. Бу ерда шуни яна бир бор таъкидлаймизки, биз факат энергияси ўзгармайдиган¹³ туннел жараёнларини кўрамизки, яъни ўтишлар схемада горизонтал чизиқлар билан кўрсатилган.

Бундай туннел контактининг вольтампер характеристикаси, агар бир ёки унинг ҳар икки томони ўта ўтказувчан ҳолатга ўтса ўзгаради. Буни оддий тушуниш мумкин, агар ўта ўтказувчан ҳолатда жуфтлашмаган электронлар схемасида энергетик тирқиши пайдо бўлса ва шу сабабли Ферми сатхи яқинида ҳолатлар зичлиги анча ўзгаради. Нормал металл ва ўтказгич орасидаги туннелланиш 19.2-расмда келтирилган.

¹³ Баръер орқали туннелланиши жараённида электрон фононни ютиши ёки чикариши мумкин. Бундай жараёнлар жуда камдан - кам ва биринчи қаралганда уни зътиборга




19.2-расм. Иккита нормал металлар контакт бўлган ҳол учун энергетик диаграмма. а) $V=0$ бўлган ҳол; б) $V \neq 0$ бўлган ҳолда, ундан $-eV$ тартибдаги ток оқмокда.



19.3-расм. Нормал металл-ута ўтказгич (NS) туннел ўтишларининг вольтампер характеристикалари.

алдатылағы тәсіл сәнгате және практикалық жағдайларда көрсетілген шарт




19.4-расм. NS түннел ўтишларининг энергетик диаграммаси:
 а) кучланиш $V=0$ бүлгандың ϵ_F Ферми сатхы үтказгичнинг асосий сатхы қаршиисида турады, б) кучланиш $V \neq 0$ бүлгандың, нормал металл Ферми сатхы үтказгич асосий сатхига нисбатан күтарилса, яъни $|eV| > \Delta$ бүлгандың электронларнинг N дан S га томон түннелланиши содир бүлад, в) күтблар ўзгартырылғандың кучланиш $V \neq 0$ бүлгандың, яъни $|eV| > \Delta$ бүлгандың электронларнинг түннелланиши S дан N га томон содир бүлади.

Соддалаштириш мәксадида $T=0$ деб олинди. Мос равишда вольтампер характеристикаси 19.3-расмда көлтирилген. Кучланишнинг $U = \frac{\Delta}{e}$ кийматында түннел токи оқа олмайды, чунки нормал металл электронлари ўзига мос келувчи үтказгичдагы ҳолатни топа олмайды. $U = \frac{\Delta}{e}$ бүлгандың вертикаль уринма түннел токи оқа бошлайды. Бундай кескін күтарилиш үтказгичдагы ҳолаттар зичлигининг катталиги билан шартланған. Кучланишнинг кейинчалик ошишида эгри чизик түтри чизикқа яқынлашади. Күйидеги ифода орқали үтказувчан энергетик тирикини аниклаш мүмкін:

$$\lim_{\substack{V \rightarrow 0 \\ T \rightarrow 0}} I_{NS} = I_{NN} \left(\frac{2\Delta}{kT} \right)^{\frac{1}{2}} \exp \left(- \frac{\Delta}{kT} \right), \quad (19.1)$$

яни етарлича кичик кучланишлар ва етарлича паст хароратларда $\frac{I_m}{I_{m\kappa}}$ нисбатни ўлчаб, Δ ни аниклаш мумкин.



19.5-расм. Ҳарорат $T=0$ бўлгандаги S_1 S_2 туннел ўтишининг энергетик диаграммаси.


Агар S_1 ва S_2 материал ҳам ўта ўтказгич бўлса, нормал ҳолатдаги ҳолатлар зичлигини энергетик боғланишини зътиборга олмаса бўлади ва қуидаги ифодани ёзиш мумкин (Унинг вольтампер характеристикиси 19.6-расмда келтирилган):

